Мустамлакачилик, энг аввало метрополия ҳукмрон доиралари, армия ва кўчириб келтирилаётган рус аҳолиси Туркистонда ҳамда Бухоро амирлигида, Хива хонлигида Россия империясининг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигини таъминлашни биринчи даражали вазифа деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бошқа мустамлакалардан фарқли ўлароқ, Туркистон империянинг ички ишлар вазирлигига эмас, балки ҳарбий вазирлигига мустамлака ҳукмронлигини қарор топтириб, Россия ҳукмрон доиралари бу минтақа туб халқлари ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича истилочилардан қолишмайдиганлигини ва ҳатто маънавий, маданий ривожланиш тажрибаси бўйича улардан устун эканлигини ҳам яхши англаб эди. Шунинг учун Туркистон генерал-губернаторига император томонидан «туб аҳолининг бошқарувида, қонуналирида ва урф-одатларида рус давлатининг манфаатлари бўлган барча парсаларни ўзгартириш ҳуқуқи» берилган эди².

Шу боис бизнинг фикримизча, ташқи омиллар ҳам (Ҳиндистонда ва қисман Афғонистонда ҳукмрон бўлган Англия билан сиёсий рақобатига қараганда), кўпроқ Россия империяси юқори доираларнинг стратегик мақсадлари (Шимолий Эронни Россиянинг мустамлакасига айлантириш режалари, Ҳинд океани томон ҳарбий юриш ниятлари ва ҳоказолар), ҳамда уларнинг Туркистон ва Дашт ўлка табиий ва ишлаб чиқариш бойликларида арзон ишчи кучларидан метрополия саноати ва аҳолиси манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиш 50 минг кишилик рус армияси, минг-минглаб мустамлакачи амалдорлар, полициячилар бўлгани ҳолда, бу ерда Россиядан юз минглаб казаклар, рус дехқонлари ва шаҳар камбағаллари кўчириб келтирилишини белгилаб берди.

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ва Дашт ўлка генерал-губернаторликларга ўн минглаб Волгабўйи немислари кўчириб келтирилди, олий православ руҳонийлари қистови бўйича насроний мазҳабчилар (строобрядчилар, молоканлар ва бошқалар) мет-

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Мулоқот» 1998, 5-сон. 13-бет.

² Кауфман К. П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 — 25 марта 1881 гг. СПб., 1885. С. 43.

рополиядан чиқариб юборилди. Лекин казаклар, рус ҳарбий-полиция маъмуриятида кейинчалик кўчириб келтирилган аҳоли мустамлакачилар таянчи, буюк давлатчилик шовинизмининг ифодачиси ҳамда туб халқларни бевосита эксплуатация қилувчи, эзувчи куч сифатида хизмат қилмоғи лозим эди. Бунинг учун ташкилий чоралар (империя банкларининг бўлимларини очиш турли хусусий савдо ишлаб чиқариш муассасаларни ташкил этиш ва ҳ. к.) билан бир қаторда темир йўл қурилди, керакли фармонлар, қонунлар чиқарилиб турилди. Энг аввало, Туркистондаги барча ерлар Россия давлатининг мулки деб эълон қилинди. Лекин туб аҳолини газаблантирмаслик учун ерларнинг бир қисми маҳаллий деҳқонларга ижарага берилди. Ириқ бойларнинг ерлари ва вақф ерлар эса камайтирилди. Шу йўл билан кўчириб келтирилаётган рус аҳолиси учун ер тайёрланган, туб аҳоли ихтиёрида қолган ерларни ўзбошимчалик билан кўчиб келганлар томонидан зўрлик билан тортиб олиш холлари жуда кўп бўлган. Мавжуд маълумотларга кўра, Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти вилоятларида туб аҳолидан зўрлик билан тортиб олинган ерларнинг умумий майдони 600 минг десятинали (1 дес. 1,09 гектарга тенг) ташкил қилган³. Аксарият жойларда рус деҳқонлари пахта ва шоли етиштириш мақсадларида ерларини маҳаллий деҳқонларга катта ҳақ ҳисобига ижарага беришган⁴.

Насроний аҳоли қишлоқ жойларда эга бўлган ерлари қанчалик катта бўлганини қуйидаги миқдорлардан билиш мумкин. Рус, украин, белорус деҳқонларининг ҳар бир хўжалиғи ҳисобида Андижон уездида 12 дес., Марғилон уездида — 6 десятиналига яқин, Наманган уездида — 14,5 дес. тўғри келган (1906 й.)⁵.

Метрополиядан кўчириб келтирилган казакларга ва славян (рус, украин, белорус) деҳқонларига 1906 йилгача Туркистонда берилган ерларнинг умумий майдони деярли 1,5 млн. десятинали ташкил қилган⁶.

Мустамлака маъмуриятининг туб аҳолига нисбатан буюк давлатчилик муносабати солиқ ва ўлпонни мунтазам ошириб боришда, турли-туман тўловларни жорий этишдан. Биринчи Жаҳон уруши даврида эса, туб аҳолига солинган ялпи ҳарбий солиқдан ташқари, қишлоқ аҳолисида қорамол, арава, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва, ҳатто, ўтов ҳам зўрлик билан тортиб олишда ҳам намоён бўлди. Масалан, 1915—1917 йилларида ҳарбий фронтдаги рус армияси эхтиёжлари учун 300 минг пуд гўшт, 70 минг от, деярли 13 минг туя, 270 арава ва 13441 ўтов олиб кетилган⁷.

Туркистон маъмурияти вақф мулкани, айниқса, вақф ерини мусодара этиш ва қисқартириш чораларини кўрди. Вақф мулкани ташкил этувчи ердан, савдо дўконларидан, боғлардан, тегирмонларда ва ҳо-

³ Жемчужников Н. Н. Движение на Восток. М., 1927. С. 37.

⁴ УзР МДА. И. 1-ф. 16-ойхат. 769-иш, 79-варақ.

⁵ Уша жойда, 1995-иш, 24-варақ.

⁶ Пален К. К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. II. СПб., 1911. С. 89.

⁷ Ўзбекистон тарихи. 4 томлик, II том. Тошкент, 1968, 524-бет.

казолардан олинадиган даромад ҳисобидан мадраса, мактаблар, катта бўлмаган қишлоқларда эса масжидлар ҳам таъминланарди. Бу чоралар аслида ислом таъсирини ҳамда мусулмон муассасалари ролини сусайтириш, шунингдек, туб миллатлар аҳолисининг фарзандларини рус ва рус-тузем мактабларига жалб этиш воситаларидан эди. Айни шу мақсад туб аҳолини, айниқса, унинг ёш авлодини руслаштириш борасидаги буюк давлатчилик-шовинистик сиёсатига тўла равишда мувофиқ келарди. Маҳаллий аҳоли ҳуқуқларининг очиқдан-очиқ топталишидан далолат берувчи бир нача мисол келтирамиз. 1870 йилда Сирдарё ҳарбий губернаторига юборган фармойишида К. Кауфман «...Тошкент шаҳри Осиё қисмининг аҳолиси шаҳарнинг европалик (янги — *Ш. Ф.*) қисмида ёки **унга яқин жойда** (таъкид бизники — *Ш. Ф.*) бу жойларни банд этиб, уларни ўзлариникидек ўраб олган. Туб аҳолини [Тошкентнинг] руслар томонидан эгаллаб олинган ерлардан чиқариб юбориш чораларини кўришингизни... сўрайман...», — деб талаб қилган⁸. Туркистоннинг бошқа генерал-губернатори, бу лавозимга 1898 йилги Андижон қўзғолонидан кейин барон Вревский ўрнига келган С. Духовской эса ўз фаолиятида «асрлар давомида ўз ҳукмдорларининг ўзбошимчалигига кўникиб қолган туб аҳолига нисбатан инсонпарварлик принципини қўллаб бўлмаслиги»га амал қилган.

Россия мустамлакачи амалдорларини туб аҳолига нисбатан кундалик муносабати жуда ҳақоратли эди. Ҳатто, Туркистондаги бошқарув ва халқ ҳўжалик аҳолини тафтиш қилган Россиянинг энг юқори даражадаги амалдорлари (Гирс, Пален ва бошқалар) рус амалдорларининг қўполлигини, қўплаб суинистёмолларга йўл қўйишини, маданиятсизлигини ҳамда жазосиз қолаётганлигини таъкидлаб ўтишга мажбур бўлишганди. Россияда нашр этиладиган «Восточное обозрение» газетасида таъкидлаганидек, «ҳатто туб жой аҳоли билан «мулоим» гаплашадиган маъмурлар ҳам факат тумшукқа уриб, қамчи билан савалаш усулинигина тан олишади. Ишда бу майда-чўйда нараса, албатта, бюрократиянинг «халқ улар учун, улар халқ учун эмас», деган принципини ошкор этиб бошлиқлар қиёфасини очиб беради»⁹. Лекин чоризм, айни маҳалда мустамлакачилар туб халқларининг қуролли қаршилик кўрсатишидан қўчиб, 1874 йилда Шимолий Сибирь, Шимолий Кавказ ҳамда Туркистон мусулмон аҳолиси вакилларини ҳарбий хизматга жалб этишни расмий равишда тақиқлади.

Чоризм камситувчи суд, полиция идоралари тузилишигина эмас, балки қамоқхона муассасалари тармоғи кенгайтирилишини ҳам бошқарувнинг мустамлакачилик тизимининг ҳамда туб жой аҳолини ижтимоий-сиёсий эзишнинг муҳим бўғинларидан бири деб ҳисобларди. Уларни қўриқлаш ва таъминлаш учун империя хазинасидан 1868 йилдан бошлаб ҳар йили деярли 80 минг сўм ажратиб келинди¹⁰.

⁸ УзР МДА. И. 1-ф. 16-руйхат, 1044-иш, 12-варақ.

⁹ «Восточное обозрение» газетаси, 1882, № 22.

¹⁰ Абдурахимова Н. А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX — нач. XX вв.) Автореф. дисс. докт. ист. наук. С. 40.

Турмалар, ҳибсхоналар барча вилоятлар ва уездлар марказларида, бошқа йирик ва ўртача шаҳарларда қурилди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб Сирдарё, Еттисув вилоятларида ҳам Зарафшон округида 13 та қамоқхона ишлаб турганди. Улар орасида энг йириклари Тошкент (1872 йилда қурилган) ҳамда Самарқанд (илк маҳбусларни 1873 йил охирида қабул қилган) қамоқхоналари эди. Бунда рус армияси ҳарбий бўлинмалари жойлашган жойларда гаупвахталар, кўплаб уездлар, участка қистовлар ҳузурида эса ҳибсхоналар мавжуд эди. Мустамлака ҳукумат чоризм ва империяга қарши жинойтларда айбланган одамларни маҳаллий қамоқхоналарда сақлашни анча хавfli деб ҳисобланган ва шу боис уларни Сибирга бадарга қилишни маъқул кўргани сабабли 1885 йилда Қурама, Чимкент ва Авлибота уездларида «жинойтчиларни» вақтинча сақлаш учун 5 та муассасалар қурилди. Айни маҳалда Россия товарларини Хитой, Эрон, Туркияда сиқиб чиқаришга интилиш кучаяётганини, шунингдек, АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли Америка пахтасини етказиб бериш қисқараётганини билиб, чоризм ҳамда саноат, молия доиралари Туркистонни Россия саноати учун пахта, ипак ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашё манбаи сифатида жадал ўзлаштиришга биринчи даражали аҳамият бердилар.

Империя ҳукмрон доираларнинг туб қишлоқ аҳолисининг бошқа хом ашёлар сингари паст нархда сотиб олинадиган пахта етиштиришга мажбур қилиш ҳисобига Россия тўқимачилик саноатини ривожлантиришни таъминлашга интилиш шунга олиб келдики, 1867—1916 йиллар оралиғида Россия саноати қайта ишлайдиган пахтанинг умумий ҳажмида Туркистон ҳиссаси 6,6 фоиздан 70 фоизга ортди¹¹. Бу йиллар ичида Туркистондан метрополияга ташиб кетилган пахта 639193 пуддан¹² 20 млн. пудга¹³, яъни деярли 30 баравар кўпайди. Шу муносабат билан ўлкада доғли экинлар етиштириш анча камайди. Россиядан галлани улгуржи етказиб берадиганлар бу аҳволдан фойдаланиб, бугдой билан пахта нархидаги нисбатнинг бузилиши ҳисобига катта даромад олдилар. Чунончи, 1 пуд бугдой эса 7 рубль ва ундан ортиқ баҳоланганди, ваҳоланки уларни етиштириш учун сарфланадиган меҳнат ва маблағ бутунлай турлича эди¹⁴.

Красноводскдан Самарқандгача, Оренбургдан Тошкентгача, сўнг Туркистон пахтасининг 60 фоизи етиштириладиган Фарғона водийсида темир йўл ишга туширилгач, бу нисбатнинг бузилиши янада кучайди¹⁵. Пахтачилик кўлами кенгайиши, Туркистонда дон етиштиришнинг камайиши ҳамда ўлкага Россияда ишлаб чиқарилган кенг истеъмол молларини келтириш кўпайиши айни маҳалда, закот сақланиб қолган ҳолда ҳунармандчилик солиғи жорий этилиш воситаси-

¹¹ Социально-экономическое, политическое положение Узбекистана накануне Октября. Ташкент, 1973. С. 31.

¹² Зияев Х. Узбекистан пахтачилиги тарихидан. Тошкент, 1980. 18-бет.

¹³ Социально-экономическое, политическое положение Узбекистана накануне Октября. Ташкент, 1973. С. 33.

¹⁴ Социально-экономическое, политическое положение Узбекистана накануне Октября. Ташкент, 1973. С. 30.

¹⁵ Масальский В. И. Богатство России — хлопок. М., 1921. С. 7.

да анъанавий ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг сиқиб қўйилиши туфайли юзага келадиган оғирлик туб аҳоли елкасига тушарди. Туб жой аҳолининг 2/3 қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил қилгани боис, шуни таъкидлаш мумкинки, империя сенатори Ф. К. Гирс таклифи асосида мустамлакачилар томонидан киритилган, кўчманчи ўтовидан ва ўтроқ қишлоқ аҳолиси онласи ёки хонадонидан эмас, балки умуман ҳар бир волостдан пул шаклида давлат ер солиғи олиш¹⁶, ер рентаси (ҳирож) ўрнига деҳқончиликдан келадиган даромаддан олиннадиган солиқни киритиш, метрополиядан келтириладиган ип-газлама мато нархи назоратсиз ошиб боргани ҳолда пахта толасига меъёрланган баҳо белгилаш, шунингдек, ирригация тармоғини яхши ҳолатда тутиб туриш учун вақти-вақти билан (1904 ҳамда 1914—1916 йилларда) солиқ тўплаш ҳамда ҳарбий солиқ сингари янги тартиб-қоидалар ҳам маҳаллий аҳоли кўпчилигининг зиммасига тушган. Мустамлакачи ҳукуматнинг туб қишлоқ аҳолисидан олиннадиган солиқ қандай суръат билан ошиб боргани тўғрисида шу ҳолат далолат берадиги, 1917 йилга келиб солиқлар миқдори (пул билан ифодаланганда) 1869 йилдагига нисбатан деярли 20 баробар ортган¹⁷.

Андижон қўзғолонидан кейин ҳукуматнинг туб аҳолисига муносабати бутун ўлкада, айниқса, Фарғона водийсида тобора кўпроқ геиоцид кўриниши касб эта бошлади. Чоризм туб халқларнинг мустамлакачиликка қарши чиқишларига йўл қўймаслик учун Туркистонда бошқарув режимини кучайтирибгина қолмай, балки Россиядан кўпроқ ишончли одамларни кўчириб келтириб, ўлгага жойлаштириш керак деб ҳисобларди. Шу боис ва, хусусан, Япония билан урушда енгилган Россияда иқтисодий таназзул бошлангани туфайли бу ерга кўчиб келувчилар оқими кучайди. Бу оқим шу қадар кучайдики, мустамлакачи маъмурият, ҳатто туб қишлоқ аҳолисининг оммавий норозилиги қуролли қўзғолонга айланиб кетишдан чўчий бошлади. Зотан, агар 1904 йилда Россиядан Туркистонга 40 минг киши кўчиб келган, уларнинг ярмидан кўпроги ўзбошимчалик билан келиб қолган¹⁸. Маҳаллий қишлоқ аҳолисининг ерини, иш ва уй ҳайвонини тортиб олиш табиий равишда оммавий ҳол касб этган. Еттисув вилоятда вазият мураккаблашиб бориши муносабати билан унинг ҳарбий генерал-губернаторига: «Рус мустамлакаси қанчалик матлуб бўлмасин, рус фуқароларининг фаровонлиги бошқа фуқароларининг ерларини зўрлик билан босиб олишга асосланмаслиги лозим»,— деб ёзганди ҳамда «қирғизлардан сугорма ерларини сотиб олиш йўли билан вилоятда яшовчи кўчиб келганларнинг аҳволини тезда яхшилаш» чораларини кўришни илтимос қилганди¹⁹. Лекин туб қишлоқ аҳолисини уларга тегишли ерлардан шафқатсизларча сиқиб чиқариш тарафдори бўлган Еттисув кўчириб келтириш партиясининг бошлиғи Валецкий империя ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланади; вило-

¹⁶ Гирс Ф. К. Отчет о состоянии Туркестанского края. СПб., 1883. С. 112. 1.

¹⁷ Статистический ежегодник. 1917—1923. Т. 2. Ч. 3. Ташкент, 1924. С. 381.

¹⁸ Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. С. 24.

¹⁹ УзР МДА. 7-ф, 1-рўйхат, 111, 114-варақлар.

ят ҳарбий губернатори Иванов ҳамда ўлка ҳарбий губернатори Гродеков эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди.

Шундай қилиб, чоризм мустамлака халқлари кўрган турмуш машаққатларида, маҳрумликлар ҳамда қурбонлар билан ҳисоблашмай, ўзининг Туркистон қишлоқ хўжалигини Россия саноатини эҳтиёжларига бўйсундириш ниятини онгли равишда ҳамда қатъият билан амалга ошириб бўлди. «Туркистон кўчманчилардан улар учун ортиқча бўлган ерларни кўчириб келтирилганлар участкаларга айлантириш ва бошқа давлат эҳтиёжлари учун чиқариш тўғрисида»ги империя қонуни ва, айниқса, Николай II нинг Сибирь, Кавказ ва Туркистоннинг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган бегона эркак аҳолисини фронт бўйи минтақаларидаги ҳарбий ички ишларга сафарбар этиш тўғрисида 1916 йил 25 июнда чиқарган Фармони бунга яққол тасдиқлайди.

Метрополиядан кўчиб келувчи оқим кескин кучайган XX аср бошларида Туркистонга жумладан, Фарғона вилоятига (ҳукуматнинг 1898 йилдан Андижон қўзғолонига муносабати сифатида) Эрон, Афғонистон, Хитойнинг Ўлжа провинцияси «Шарқий Туркистон»дан қочоқлар кела бошлади²⁰. Чупончи, Шарқий Туркистоннинг ўзидан Фарғона вилоятига 1904 йилда 14556 қочоқ (қашқарлар, уйғурлар, дунганлар), 1905 йилда — 26463, 1912 йилда эса 27174 киши, жами деярли 120 минг киши қочиб келган²¹. Эрондан келаётган қочоқлар оқими ҳам шу қадар катта эдики, Фарғона вилоятининг қатор пахта тозалаш, мой ишлаб чиқариш, кон қазिश саноати корхоналаридан маҳаллий миллатларга мансуб ишчиларни сиқиб чиқара бошлади. Қўшни мамлакатлардан Фарғона вилоятига келган кўп сонли қочоқлар ҳукумат томонидан Туркистоннинг бошқа вилоятларидаги каби туб аҳолини зўр бериб сиқиштириш ҳисобига жойлаштирилганлиги ҳам тушунарли албатта. Яна шуниси ҳам маълумки, Биринчи Жаҳон уруши йилларида империя ҳарбий вазири томонидан Туркистонга 200 мингга яқин асир келтирилган. Туркия армиясининг асир олиниб, Сибирга жўнатилган 10 минглаб аскарлари ва зобитлари ҳам шу ерга қочиб келишган. Европа (Австро-Венгрия, Германия) армияларининг ҳарбий асирларини боқиш ҳам туб аҳолидан олинган ҳарбий солиқ ва бошқа кўп тўловлар ҳисобидан қопланган. Натижада 1917 йилга келиб туб жой аҳолининг аҳволи ғоят оғирлашиб қолди.

Шунда ҳам империянинг ҳукмрон доиралари Туркистон ўлкасини бошқариш, Россия хазинасига кўп миллионли зиён етказмоқда, деб сурбетлик билан таъкидлашарди. Аслида эса, ҳали ўлка иқтисодий-тин метрополия манфаатлари йўлида эксплуатация қилишни кучайтирган темир йўл қурилмасдан олдинроқ рус ҳукумати ҳар йили камида 7 миллион рубль фойда кўрарди²², ушбу муаммони биладиган юқори мартабали мустамлакачи амалдорларидан бири (Н. П. Верховский): «бу жаннат макон ўлкага сарфланган ҳар бир тийин юз баробар бўлиб қайтиб келади, шу боис ҳеч қанақа давлат харажат-

²⁰ Уша жойда, 9—11-варақлар.

²¹ ЎзР МДА. 7-ф, 1-руйхат, 111-иш, 8-варақ.

²² Аминова А. М. Экономическое развитие Средней Азии (колоннальный период). Ташкент, 1959. С. 100—101.

лари бежиз кетмайди ва улар қанча кўп берилса, оқилона сарфланган тақдирда шунчалик тез ўзини қоплайди, ҳамда ўзини таъминлаш учун давлат харажатларини тўлабгина қолмай, балки катта даромад келтиришга ҳам қодир бўлган ўлка фаровонлигининг жиддий пойдевори бўлиб ҳам хизмат қилади»²³,— деб бежиз таъкидламаган эди.

Туркистоннинг Россия учун жуда бой ва даромадли минтақа сифатидаги қиммати унинг чоризм ағдарилгандан кейин ҳокимият тепасига келган муваққат ҳукуматини кўчириш ва мустамлакага айлантириш масалалари бўйича комиссия тузишга ундади. Бу комиссия юзаки ислохотлар ишлаб чиқиши, лекин асосан Туркистонни Россия таркибида сақлаб қолиш чораларини таклиф этиши даркор эди. 1917 йил сентябрда комиссия ўз ишини тугатди²⁴.

Россиянинг Туркистондаги ярим асрдан кўпроқ давр мобайнидаги мустамлака сиёсатининг юқорида таърифланган салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан бир қаторда қуйидаги ижобий ҳодисаларни ҳам кўрсатиш лозим: биринчидан, саноатда ишлаб чиқариш кучлари объектив тарзда ривожланди, баҳорикор деҳқончилик ҳамда минтақа учун янги бўлган қатор қишлоқ хўжалик экинлари ўзлаштирилди; иккинчидан, миллий ватанпарварлик ташкилотлари ва сиёсий ташкилотлар шаклланди; учинчидан, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий хизмат соҳаси, хусусан тиббиёт ва соғлиқни сақлаш сезиларли даражада жонланди; тўртинчидан, янги усул мактаблари тармоғи шаклланди ҳамда кўплаб мадрасалар, анъанавий мактаблар замонавийлаштирилди, бу эса вақтли матбуот-газета ва журналлар билан бир қаторда, дунёвий қадриятлар бойиб боришига туб жой аҳоли миллий ўзлигини англаши олишига ҳамда мустамлакачиликка қарши ҳаракатни авж олишига ёрдам берди.

²³ Труды III съезда деятелей по сельскому хозяйству Туркестанского края. С. 447.

²⁴ Вопросы колонизации. Петроград, 1917, № 20. С. 136—167.

Ш. Гаффаров

ПОЛИТИКА ЦАРИЗМА ПО ПЕРЕСЕЛЕНИЮ НАРОДОВ В ТУРКЕСТАН И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

В статье освещены вопросы политической, экономической, хозяйственной и духовно-просветительской сферы жизни народонаселения Туркестанского края. Выводы автора проиллюстрированы конкретными данными и датами. Захватническая политика царизма показана во всех ее проявлениях.

Sh. Gafforov

THE ARTICLE IS ABOUT THE MIGRATION POLICY OF RUSSIAN CZARISM IN TURKISTAN

The political, economical, industrial ideological aspect of geopolitical system in Turkistan. Conclusions of investigation illustrated in statistical tables. Main aim is to display the concurrence policy of czarism.

3. Даминова

**ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ РОССИЯ МУСТАМЛАКАСИГА
АЙЛАНТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

Ўрта Осиёнинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири бўлган Термизнинг тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Қулай жўғрофик ўрни, яъни дарё кечувининг қулай жойида, бинобарин, савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги муҳим стратегик аҳамиятга моликлиги кўп жиҳатдан шаҳар келажагини белгилаб берган. Термиз орқали Шарқни Ғарб мамлакатлари билан боғловчи Буюк Ипак йўли ўтган. Йўл Сурхон дарёси бўйлаб шимолий шарққа, сўнгра Помир тоғлари оша Фарғона, Шарқий Туркистон ва Хитойгача борган. Термиз нафақат қуруқликда, балки сув йўлида ҳам жойлашганлиги бонс муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Сўнги ўрта асрларда Термиз шаҳрининг Амударёга туташган қисмида соҳил бўйлаб пишиқ гиштан ишлаб чиқилган ва кемалар тўхтайдиган махсус манзилгоҳ бўлган. Бу даврда Термиз яқинида Ҳиндистонга томон йўналган қадимги карвон йўли бўйлаб Амударёдан ўтайдиган дарё кечувларидан бири жойлашган. Термиздан дарё оқими бўйлаб, Орол денгизи томон, қадимги Хоразм ўлкаси оралаб қатнайидиган юк ташувчи, савдо кемалари-ю, балиқчилар қайиқлари тўхтайдиган манзили — порти бўлган. Шу сабабли, Термизни Амударё бўйидаги муҳим порт шаҳри деб таърифлаганлар. Ҳатто бу шаҳарда кемалар ясалган ва чет ўлкаларга олиб кетилган.

Маълумки, XIX аср охирида Туркистонда подшо Россияси ва Англиянинг мустамлакачилик сиёсати манфаатлари тўқнашди. Буюк Британия ўз тасарруфидаги Ҳиндистон ва шунингдек, Афғонистон орқали Ўрта Осиё давлатлари билан савдо-сотиқ қилар эди. Англия рус савдогарларини бу ҳудудлардан сиқиб чиқармоқчи эди. Айни вақтда подшо Россияси Туркистонга кўз олайтирмоқда эди. Бироқ, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари ўзаро урушлар оқибатида кучсизланиб қолган эдилар.

Рус ҳукумати бу ҳолатдан шубҳасиз устамонлик билан фойдаланди ва бирин-кетин хонликларни босиб олди.

Бухоро амири Музаффархон 1868 йил 23 июнида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига айланди. Бу сулҳга кўра, Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотибгина қолмай, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмида ҳам ажралди. Амир тоvon сифатида 500 минг олтин тўлаш, хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмаслик мажбуриятини олишга ва рус савдогарларининг амирлик ҳудудларида эркин савдо қилишларига, карвонсаройлар ҳамда дўконлар очишларига рози бўлди. Тенгсиз сулҳга асосан, подшо Россияси Термиз, Керки, Чоржўйда ҳарбий истеҳкомлар қуриш талабини қўйди.

1894 йил декабрда Туркистон ҳукумати 31-Амударё бригадасини бухоро-афғон чегарасини эгаллаш учун юборади. Бригада штаби ке-

либ жойлашадиган марказ Паттакесар қишлоғи эди, чунки Термиз—Паттакесар алоҳида муҳим стратегик йўналишда жойлашган эди. Самарқанд—Мозори Шариф—Қобулни боғлайдиган энг қисқа йўл шу ердан ўтади. Паттакесар тоғли Бухородан юқорида Амударё ва Сурхондарё билан табиий равишда мудофаа қилинган. Термизда гарнизон жойлаштириши натижасида Амударё бўйида қўтилмаган душман зарбалари беришни қийинлаштирарди. Ҳозирги «Наримоновск», «То-жик» кўчалари ва пахта тозалаш заводлари атрофларида зудлик билан казарма, штаб, офицерлар йиғини биноси, черков, офицерлар учун уйлар қурила бошланди. «Ва шундан бошлаб русларнинг эски Термиз харобаларига кўчиб келиши кучайди»¹.

Куйидаги маълумотлар Термиз шаҳрининг мустамлакачилар томонидан қандай эгаллаб борилганлигини кўрсатади: 1894 йилда эски Термиз харобаларидан 8 км нарида руслар томонидан Термиз қалъаси қурилди².

1895 йилда Термизнинг қулай стратегик ҳолатини ҳисобга олиб, Паттакесарда божхона пости очилди, божхона биноси қурилди.

1897 йил баҳорида руслар Термизда янада мустаҳкамроқ жойлашиб олиш мақсадида 40 десятина ерни Паттакесарнинг шимолроғидаги маҳаллий аҳолидан сотиб олдилар.

1898 йил январда 4-Оренбург казак полкининг 100 та солдати ҳали қўйилиши тўғалланмаган казармани эгаллади.

1899 йилда казарма кенгайтирилиб, Петроалександровскдан (ҳозирги Тўртқўл) 13-Туркестон линейний батальони ва 2-Оренбург казаклари батареяси Самарқанддан келтирилиб жойлаштирилди.

Харбий бошқарма яна 1200 десятина ерни Термиз харобаларидан шимолроқдан сотиб олиб, қалъа қуришга киришди, унинг қурилиши 1905 йилгача давом этди. Қалъа тўртбурчак шаклида асосий деворлар (учбурчак бастионлар) билан ўралган бўлиб, пишган гиштдан тош пойдеворлар устига қурилди. Қалъа гишт деворлари билан ўралиб, деворлар орасига якка ўқчилар учун отиш жойлари қолдирилган эди³. Сурхон яқинида Паттакесардан юқорида Туркистон понтон ротаси казармаси қурилиб, понтонлар парки ҳам барпо қилинганди.

Рус ботаниги Р. Ю. Рожевицнинг ёзишича, Термиз қалъаси XIX асрнинг сўнгги 10 йиллигида пайдо бўлган. Термиз ҳарбий шаҳарчаси Амударёдан 1—1/2 верст берида, деярли Паттакесар билан ёнма-ён қурилган⁴.

Шундай қилиб, Термиз қалъасига асос солинган эди. Рус паттакесари тез ўсиб кенгайиб борди. Уларнинг асосида кейинчалик янги Термиз шаҳри пайдо бўлди. Рус чегара кўшилари Паттакесарга келиб, бу йўналиш бўйича назорат постини ўрнатдилар.

¹ Массон М. Е. Надписи на штурге из архитектурного ансамбля у мавзолея Хакима Термизи/Тр. ТАШБУ. Вып. 172, 1960. С. 47.

² ЎзР МДА. 1-ф. 12-рўйхат. 678-иш. 84—85-варақлар.

³ ЎзР МДА. 83-ф. 1-рўйхат. 36-иш. 15-варақ.

⁴ 1 верст — 1,0668 км. ЎзР МДА. 83-ф. 1-рўйхат. 36-иш. 15-варақ; Гейер И. Путеводитель по Туркестану, Ташкент, 1901. С. 132—133.

1900 йил 17 январда чоризмнинг қистови билан, амир 9074 десятина Сурхондарёнинг қуйи оқимидаги ерларни мустамлакачиларга ҳеч қандай товоносиз, пулсиз «совға» қилди⁵. Шу ернинг ўзид а яна 2 та рус ўқчи батареяларини жойлаштириш учун казарма қурилди. Ҳарбий черков, ҳарбий шаҳарча қурила бошланди. Бу қурилиш 1905 йилгача давом этди. Яна Сурхондарё яқинида Паттакесардан юқори-роқда Туркистон понтон ротаси учун казарма қурилиб, понтон парки ҳам барпо қилина бошланди. 1900 йили 27 январдаги битимга биноан, Амударё ва Сурхондарё билан чегараланган бутун учбурчак, шимолдан эса жами 10,514 десятина ер, шунинг 1,440 десятиначасини Паттакесар, Мангузар, Саловат қишлоқларининг мўлки ташкил қилар эди. Жами бўлиб рус ҳарбий гарнизонига ҳарбий бошқарма ихтиёрига 9074 десятина ер ўтди⁶.

Термиз қалъасининг бир неча дарвозалари бўлиб, кўчалари кенг, асосий кўчага тош ётқизилган. Бир қаватли гиштдан қилинган уйларда яшаётган аҳоли асосан солдатлар, офицерлар ва уларнинг oilаларидан иборат эди⁷.

Термизнинг ҳарбий стратегик аҳамиятини ҳисобга олиб, подшо Россияси 1902 йилда Амударё бўйлаб, кема қатновини йўлга қўйди. Термиз—Керки портларига йилига 15 минг йўловчи ташилган. Йўловчиларнинг аксарияти ҳарбийлар эди. Йилига 200.000 минг пуд юклар Термиз ва Керкидан Россияга ташилган.

1902 йилда Самарқанд—Термиз почта тракти маҳаллий аҳолини эксплуатация қилиш ҳисобига ишга туширилди⁸.

Тез орада Термизда почта алоқа конторалари ҳам ишга тушди⁹.

Шуни айтиш керакки почта, телеграф конторасининг хизматчилари руслардан иборат бўлиб, улар кўникмаган шароитлари, гармсел, об-ҳавонинг иссиқлиги, қийинчиликлардан шикоят қилиб, маошларини оширишини сўраб, Туркистон генерал-губернаторига бир неча бор шикоят қилганлар. Натижада Туркистон генерал-губернаторлиги аҳоли ва маданий савдо марказларининг узоқлиги, истеъмол товарларининг қимматлиги, алоқа йўлларининг узоқлиги, уларнинг турмуш даражасининг пастлигини баҳона қилиб, эски Бухоро, янги Бухоро, Ғузор, Қарши, Шеробод беклиги, Сарой ва Хива, Термиз почта-телеграф алоқаси ходимларининг маошини Бухоро амирилиги ва Хива хоқлиги хазинасидан ошириб, тўлай бошлади¹⁰.

Паттакесар Термизда «Шарқий жамият», «Кавказ ва Меркурий» жамиятларининг конторалари, хазиначилик ва 3 та Матченбоев, Шамсутдинов, Аноньевларнинг пахта заводлари, 1 та ёғ заводи, божхона ва унинг омборлари, гишт заводи, совун заводи фаолият кўрсатар эди.

⁵ ЎзР МДА. И. 1-ф, 10-рўйхат, 44—45-варақлар.

⁶ Вестник ирригации, № 1930; ЎзР МДА. 3-ф, 1-рўйхат, 1-иш, 31-варақ; ЎзР МДА. 1-ф, 10-иш, 44—45-варақлар.

⁷ ЎзР МДА. 88-ф, 1-рўйхат, 36-иш, 15—16-варақлар.

⁸ ЎзР МДА. И. 126-ф, 1-рўйхат, 1589-иш, Кушбеги архиви.

⁹ ЎзР МДА. И. 2-ф, 1-рўйхат, 380-иш, 2-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА. 1-ф, 1-рўйхат, 2280-иш; ЎзР МДА. И. 1-ф, 2-рўйхат, 1177-иш.

Ҳарбий Термизда ҳарбий қисмлар, лазаретлар, ҳарбийларнинг уйлари, казармалар жойлаштирилган бўлиб, ҳарбий бошқарма томонидан бошқарилар эди¹¹.

Россия мустабид ҳукумати Термиз ва унинг атрофига русларни кўчириб келтириш, уларни жойлаштиришнинг янги чораларини излай бошлади. Олдинги маҳаллий аҳолидан сотиб олинган ерлар сиёсий агентлик билан келишиб, Бухоро қозилари томонидан қонунлаштирилган бўлса, кейинроқ рус шаҳарчаси атрофидаги ҳудудда Бухоро ҳукумати ҳеч бир тан олинмай, қонуний ҳокимият сифатида йўққа чиқарилди. Шу вақтдан бошлаб қозилар Термиз районидаги ерларни сотиш, сотиб олиш масалаларига аралашиб ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Фақат ҳарбий бошқарма бошлиғи сиёсий агент билан ҳамкорликда бундай ишларга рухсат берарди¹².

1909 йил 24 августда 1900 йилдаги рус-бухоро шартномасига қўшимчалар киритилди. Унга кўра чегараларни тартибга солувчи махсус комиссия тузилиб, унинг иши якунига кўра жами ерлар 11.600 десятина деб белгиланди. Шундан маҳаллий аҳолига 1.665 десятина ер қарайдиган ва ҳарбий бошқарма ихтиёрига 9.935 десятина ер қолдирилди¹³.

1915—1916 йилларга келиб. Паттакесарда бутун савдо-сотиқ, божхона ва унинг омборлари, 3 та пахта тозалаш заводлари, битта ёғ заводи феолият кўрсатар эди. Савдо билан рус, арман, яҳудий, форслар шуғулланар эди.

1888 йил 28 августда «Рус шаҳарларида хўжаликни ва турмушни бошқариш қондалари» «Правила об управлении, хозяйстве и благоустройстве поселений»¹⁴ эълон қилинган, 1899 йилда Термиз—Паттакесарини бошқаришга оид қондалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Термиз—Паттакесарда шаҳар хўжайини гарнизон бошлиғи эди. Хўжаликка ва аҳоли турмушига оид барча қарорлар ҳарбий гарнизон бошлиғи томонидан қабул қилинар эди (4-пункт).

Суд ва маъмурий жиҳатдан рус Термиз шаҳарчаси бухоролик қозиларга бўйсунмай, ўз маъмурияти билан иш кўрар эди.

Термизда жойлаштирилган ҳарбий гарнизон фақатгина афгон чегарасида жойлаштирилган мудофаа пости бўлмай, улар Бухоро амирлиги фуқароларини илоатда тутиб туриш учун, чоризмга мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилар эди.

Россия нафақат амирлиқни ўз молларига тўлдириб ташлади, балки Термиз орқали Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар билан жуда фойдали савдо-сотиқни ҳам амалга оширди.

Термиз шаҳри 2 қисмдан иборат эди: Асосий қисм ҳарбий гарнизон, ҳарбий қалъа, яъни Термиз қалъаси бўлиб, шаҳарнинг шимолида жойлашган эди. У ерда гарнизон бошлиғи хўжайин бўлиб, ўз ҳокимиятини амалга оширар эди, гарнизон бошлиғи 1905 йилгача VII чегара округига бўйсунар эди. Қалъа атрофида яшовчи рус, ру-

¹¹ ЎЗР МДА. 1-ф, 27-рўйхат, 1733-нш, 14-варақ.

¹² ЎЗР МДА. РПАБ. 3-ф, 417-нш, 51—59-варақлар.

¹³ ЎЗР МДА. И. 1-ф, 13-рўйхат, 1011-нш, 44—45-варақлар.

¹⁴ ЎЗР МДА. И. 1-ф, 29-рўйхат, 1332-нш, 4-варақ.

сийзабон аҳоли учун гарнизон бошлиғи ҳоким вазифасини бажарар эди.

Термизнинг жанубида эса Паттакесар қишлоғи жойлашган бўлиб, у ерда яшовчи маҳаллий аҳоли Бухоро амирига, Бухоро қонунларига тўғридан-тўғри бўйсунар эди. Аммо Паттакесарда яшовчи европалик аҳоли чоризм ҳукумати қонунларига бўйсунар эди. Шундай қилиб, бу шахарнинг ўзида уч хил вазирлик иш юритиб, уч хил ҳоким сиёсат олиб борарди ва бу аҳолини бўлиб юбориш, табақалаштириш, ҳар қандай порозиликни зудлик билан бартараф этиш мақсадларига қаратилган эди.

Рус солдатлари орасида ичкиликбозлик, ўз вазифасини суниستهъ-мол қилиш, маишатпарастлик, безорилик авж олган. Россиядан кўчиб келган жиноятчи, безорилар ва уларга қарши курашиш учун ҳеч қандай маблағ йўқ эди. Ҳарбийлар ва европалик аҳоли маҳаллий халқнинг анъаналарини, урф-одатларини назар-писанд қилмадилар, уларнинг миллий ғурурини поймол қилардилар. Ароқхўрлик авж олган¹⁵.

Термизда ўша даврда ҳатто дурустроқ полиция биноси ҳам йўқ эди. Бузилиб, қулай деб турган полиция биносидан ҳар қандай жиноятчи бемалол қочиб кетиши ҳеч қандай гап эмас эди.

Солдатлар, рус аҳолиси маҳаллий халқларга нисбатан зўрликлар, ҳақсизликлар қилардилар. Туркистон генерал-губернаторлиги суд органисиз судья лавозимини таъсис этган бўлиб, ҳам судья, ҳам терговчи вазифасини бажарар эди, энг ачинарлиси шундаки, судья Чоржўйда яшар ва у токи пароходга тушиб, Термизга етиб келгунча анча вақт ўтарди. Судья Термизга бир йилда бир ёки икки йилда бир келар, шунда ҳам ҳеч нарсани ҳал қилмай изига қайтиб кетарди.

Термиздаги ҳарбий гарнизон Чоржўй ва Керкидаги сингари қўл остидагиларни итоатда тутиб туриш учун керак бўлган, Босқинчилик қилиш, миллий озодлик ҳаракатларини бостириш учун бу ҳарбий гарнизон хизмат ўтарди. Кўн ҳолларда гарнизон ҳарбий жазо отряди вазифасини бажарар эди.

Рус манзилгоҳлари аста-секин ўса бориб, унча катта бўлмаган шаҳарларга айлана борди. Улар орасида энг йириклари Термиз, Янги Бухоро, Чоржўй ва Термиз Паттакесари эди. Термиз аҳолиси ижтимоий келиб чиқишига қўра ғоят хилма-хил бўлган. Хизматчилар, ҳарбийлар, йирик ва майда савдогарлар, хунарамандлар, ишчилар, асосан, руслардан ва рус тилида гаплашувчи аҳолидан иборат эди. Маҳаллий аҳоли, асосан, деҳқончилик, аравакашлик, кичик тадбиркорлик, хунарамандчилик, чорвачилик билан шугулланган.

Ҳарбий хизматни тугатган паст лавозимдаги ҳарбийлар аксарият шу ерда қолиб яшаганлар. Волга бўйи, Кавказ губернияларидан аксарият рус аҳолиси кўчиб келтирилган.

1905 йилда Термизда 546 Козон дружинаси, Тошкент дружинаси (ополченская) 6-Сибирь ўқчи заҳира полкининг 2, 11 батальонлари, 2, 5, 19 енгил батареялар, Термиз крепости ротаси, Термиз сапёрлар взводи бор эди.

¹⁵ УЗР МДА. И. 1-ф, 1-рўйхат; И. 1-ф, 1-рўйхат, 2096-иш.

Термизнинг санитария ҳолати жуда ёмон аҳволда эди. Юқумли касалликлардан безгак, сил, вабо, тери-таносил касалликлари, кўз касалликлари ғоят кўп эди. Ҳатто, Афғонистон орқали 1882 йилда қорамоллар орасида ўлат касаллиги тарқалди. Маҳаллий аҳолининг кўпайиши ҳақида гап ҳам бўлиш мумкин эмас эди. Иқтисодий эзилиш етмаганидек, бу касалликлар аҳолининг тинка-мадорини қуритар эди.

Шаҳарда ўн кишилиқ касалхона бўлиб, унинг ҳам фаолияти чекланган эди. Бухоро амири Термиз аҳолисидан турли-туман солиқлар, тўловлар йиғиб олишнинггина мақсад қилиб қўйган эди.

Подшо ҳукумати Термизга фақат ҳарбий жиҳатдан қараб, маҳаллий аҳолига мутлақо эътибор бермас эди.

Термизда маориф ишлари ҳам жуда оғир аҳволда эди. Ҳатто 1906 йилгача Термизда бирорта ҳам мактаб йўқ эди. 1906 йилда черков ҳузурида рус ҳарбийларининг болалари учун мактаб очилди. Уша вақтда шаҳарда 600 га яқин бўлса, шулардан 35 нафари шу диний мактабда таҳсил олган. 1913 йилда рус ҳарбий зобитларининг болалари учун бошланғич мактаб очилди. Кўриб турганимиздек, бу мактаблар фақатгина мустамлакачилар учун эди.

1912 йил февралда Россиянинг Бухоро амирлигидаги сиёсий ва иқтисодий маслаҳатчиси А. Т. Ананьев амир билан келишиб, Шеробод чўлларини ўзлаштириш мақсадида шартнома тузади. Шартномага мувофиқ Шеробод чўлидаги 72500 десятина бўз ерларига сув чиқариб, ўзлаштириш назарда тутилган эди. Ўзлаштирилган ерларга пахта экилиб, ундан юқори ҳосил олиб, Россияга ташиб кетиш — бу шартноманинг асосий ва бош мақсади эди.

Рус ҳарбий инженери А. Т. Ананьев 1911 йилда Шеробод водийсини Сурхондарё сувлари билан суғориш лойиҳасини тайёрлади. Лойиҳа маҳфий тарзда, ошкор этилмасин, деган тамга остида Туркистон генерал-губернаторлиги типографиясида чоп этилди¹⁶. «Урта Осиёда ўзлаштирилмаган ерлар жуда кўп, шундай ерлар ёнгинасидан Сирдарё, Амударё, Сурхондарё ва шу каби серсув дарёлар оқадди. Бу дарёларнинг маълум миқдордаги сувигина суғориш учун ишлатилади. Қолган қисми эса Орол денгизига бориб қўйилади», — деб ёзади А. Т. Ананьев ўз лойиҳасида.

Шеробод водийсини суғориш Ананьев фикрича Россия учун улкан иқтисодий аҳамиятга эга:

Биринчидан, чўлларга сув чиқариш орқали у ерга юз минглаб одамларни кўчириб келиш имконини берарди;

Иккинчидан, Термизда жойлашган рус армияси, рус аҳолисининг доимий озик-овқат, моддий маблағ билан таъминлаш имконини берди. Юк ташиш воситаларининг ҳамда рус ишчиларининг кўпайишига олиб келарди. Шу билан бирга Термиз суғориш системасининг заиф томонларини мустаҳкамлаш, русларга қарашли ерларни 4000 деся-

¹⁶ Орошение Шерабадской долины. Ташкент: Тип. при канц. Турк. ген. губ., 1912.

тинадан 10000 десятинага кўпайтириб, шу йўл билан рус хазинасини янада бойитиш эди¹⁷.

Термиз суғориш системаси у ерда жойлашган рус гарнизони ва рус аҳолиси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Солиҳобод ариғи орқали Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги хонадонлар Сурхондарёдан сув ичганлар. Аммо, аҳолининг кўпайиши, рус гарнизонининг жойлашиши, пахта экишга қизиқиши, ундан катта фойда олишни орзу қилган Ананьев учун бу кам эди.

Термизга даставвал алоқа йўллари инженери Гельман, кейинроқ 1898 йилда ҳарбий инженер, капитан Қасталский янги ариқ қурилиши шароитларини ўрганиш, аниқлаш учун хизмат сафарига юборилдилар. Капитан Қасталскийнинг Термизни суғориш лойиҳаси тасдиқланиб, ижро этилди. 1905 йилда Термиз суғориш иншооти ишга туширилди ва 4000 десятина ерга жойлашган Термиз шаҳри, рус Паттакесари ва Паттакесар, Мангузар, Солиҳобод қишлоқларига сув келтирилди. 1914 йилда рус сув хўжалиғи маъмурияти таъсис этилди. Давлатнинг суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлари беш йил муддатга сув бериш мажбуриятини олган ҳолда (давлат томонидан) ижарага бериладиган бўлди.

Умуман олганда, Сурхондарё воҳасида сув инженерлик тизими 1910 йилдан бошланиб, 4 гектар ерга сув чиқарилди.

1912 йил 23 февралда рус инженери А. Т. Ананьевга Шеробод водийсидан 72500 десятина ерни Бухоро амирининг ер ишлари бўйича вазири Мирзо Насруллоҳон Қўшбеги шартнома асосида тақдим этди¹⁸. Рус ҳукумати бу шартнома асосида Сурхон воҳасида сув чиқариш орқали пахта экиш ва ундан миллионлаб пуд ҳосил олиб, гоёт улкан бойликка эга бўлиш ниятида эди. Шартномага асосан, Термиз районидagi 10000 десятина ерга ҳам сув чиқарилиб пахта экилиши керак эди.

Термиз аҳолиси ҳақида шарқий Бухоронинг бошқа шаҳарлари аҳолисига нисбатан бирмунча аниқ маълумотлар бор. Д. Н. Лагофетнинг келтиришича, Термизда 6000 рус аҳолиси (ҳарбийлар билан бирга) яшаган эди¹⁹.

А. Фомченконинг қайд этишича, Биринчи Жаҳон уруши арафасида Термиз (Паттакесар) аҳолиси 2647 кишини ташкил этган. Ҳарбийларнинг ўзи эса 4000 кишини ташкил этган²⁰. С. И. Гулишамбаровнинг келтиришича, Термиз аҳолиси 700 киши бўлган²¹. Аммо, Туркестон ўлкаси озиқ-овқат бошқармасининг маълумотларига кўра, 1917 йил июлгача келиб Термизда 8000 руслар бўлган²².

¹⁷ ЎзР МДА. Турк. Ген. губ. канцелярияси. 1911.

¹⁸ ЎзР МДА. И. 3-ф, 1-руйхат, 678-иш, 28—51-варақлар.

¹⁹ Лагофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1. С. 186.

²⁰ Фомченко А. Русские поселения в Бухарском эмирате. Ташкент, 1958. С. 17.

²¹ Гулишамбаров С. И. Экономический очерк Туркестанского района, обслуживаемого среднеазиатской железной дорогой. Ч. 1. Ашхабад, 1913. С. 200—201.

²² ЎзР МДА. 3-ф, 1-руйхат, 825-иш, 4-варақ.

Бизнингча, бу ерда Паттакесарда яшовчи рус аҳолисини ҳам қўшиб ҳисобланган бўлса керак²³, чунки 1914 йилда Паттакесарда 2,5 мингдан ортиқ руслар яшаган.

Руслардан ташқари Паттакесарда бухороликлардан 648 киши, татар, бошқирд, чечен каби рус мусулмонларидан 126 киши, афгонлар — 257 кишини, рус яҳудийлари — 50 кишини, форслар — 70 кишини ташкил этган²⁴.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотларга таяниб, Термиз аҳолиси 9000 дан юқори бўлган ва унинг асосий қисмини руслар ташкил этган деб айта оламиз. 1916 йилда Термизда 28 та унча катта бўлмаган савдо саноат корхоналари бўлган, улар рус ва бухоро савдогарларига тегишли эди²⁵.

Руслардан ташқари рус бўлмаган халқлар фақат сиёсий агентнинг розилиги билан Термизда яшаш ҳуқуқини олган.

Термиз атрофидаги Солиҳобод, Мангузар, Паттакесар қишлоқларининг аҳолиси асосан бугдой, пахта, жавдар, сули, гуруч, маккажўхори, дуккакли экинлар етиштирганлар, айниқса, мевали дарахтлар қўплаб экилиб, улардан яхшигина ҳосил олинган. Рус истеъло-сидан кейин бу маҳсулотлар Россия ичкариёсига ташиб кетила бошланган ва бунда темир йўллар катта роль ўйнаган. Узоқ муҳокама этилган Россия—Бухоро музокаралари натижасида Когои—Термиз темир йўлини қуришга келишиб олинган. 1910 йил 10 апрелда Стопин раҳбарлигидаги Россия Министрлар Совети Бухоро капитални жалб этмасдан Когои—Термиз темир йўлини қуришга қарор қилди²⁶.

Бунга рози бўлган амир 1912 йил 15 июнда рус инженер тadbirkори Ковалевский билан ушбу йўлни қуриш масаласи бўйича битим тузди. Шартномага мувофиқ амир, ҳеч қандай пулсиз, товоносиз 6000 десятина ерни темир йўл қуриш учун, янги Бухородан 87 десятина ерни қурувчилар, ишчилар учун уйлар, конторалар қуриш учун берди²⁷.

1913 йилда Ковалевский «Бухоро темир йўли» акционерлик жамиятини ташкил этди. Жамиятнинг директори этиб И. М. Слуский сайланди²⁸. Ковалевский Рус-Осиё банки билан бирга 1914 йил 16 июнда жамият қурилиш ишларига киришди. 1916 йил 15 июн кўни Бухоро темир йўли қурилиши тугалланди. Унинг умумий узунлиги 572 верстни ташкил қилар, шундан 150 версти Афғонистон билан чегарада эди. Бу темир йўл Афғонистон билан чегарада икки рус ҳарбий қалъаси — Керки ва Термизни боғлаб турарди²⁹.

²³ ЎзР МДА. 1-ф, 27-рўйхат, 178-иш, 14-варақ.

²⁴ ЎзР МДА. 1-ф, 270-рўйхат, 178-иш, 14-варақ.

²⁵ Тухтаметов Т. Г. Экономическое состояние Бухарского Эмирата в конце XIX и начале XX в. С. 171.

²⁶ ЎзР МДА. 2-ф, 1-рўйхат, 277-иш, 2-варақ.

²⁷ ЎзР МДА. И. 3-ф, 1-рўйхат, 261-иш. Отношение Министерства иностранных дел... военному министру от 6/11—1910 г. п. 110—112; ЎзР МДА. 3-ф, 1-рўйхат, 450-иш, 35-варақ; ЎзР МДА. И. 3-ф, 1-рўйхат, 461-иш.

²⁸ ЎзР МДА. И. 3-ф, 1-рўйхат, 450-иш, 21—24-варақлар.

²⁹ ЎзР МДА. 923-иш. Доклад правления очередному общему собранию господ акционеров «Общества Бухарской железной дороги» от 30/IX—1916 г. п. 6.

Темир йўл қурилишида асосий оғирликни чоризм маҳаллий халқ елкасига юклади. Аҳоли деярли бепул тинмай меҳнат қиларди. Ярим оч, яланғоч аҳолиси орасида норозилик кучли эди. Бухородаги Россия сиёсий агентлигидаги манбаларга кура: «Ишчилар орасида норозилик ўсмоқда. Эксплуатация чидаб оўлмас даражада. Сартлар 2 ҳафта тинимсиз ишлаб 1 рубль оладилар (Келиф—Термиз райони). Ҳамма жойда аҳолини эксплуатация қилиш учун йўл давлатники, ишлаб бериш мажбурийдир деган гаплар тарқатилган»³⁰.

Темир йўлларнинг қуриб битказилиши мустамлака ўлкани Россия саноатини гилдирагига янада маҳкамроқ боғлади. Термизнинг хом ашё етказиб берувчи манба сифатида урни мустаҳкамлангач, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва ўлканинг иқтисодий ҳаётида йил сайини ўз таъсирини кучайтирди. Мустамлака давлат билан империя ўртасидаги темир йўллар жуда катта фойда келтириши табиий эди. Миллий бойликлари беҳисоб, табиий шароити ғоятда қўлай, арзон бўлган Туркистон улқасини фақат темир йўл воситасидагина ўзининг ҳақиқий мустамлакасига айлантириш мумкинлигини рус ҳукумати жуда яхши англади. Сабаби, темир йўллар чоризмнинг сиёсий, ҳарбий стратегик мавқеини мустаҳкамлар, ўлкани иқтисодий томондан бутунлаи ўзига бўйсундирар, Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозори ва хом ашё базасига айлантиришда муҳим аҳамият касб этарди. Дарҳақиқат, темир йўллар Термиз орқали Сурхон воҳасининг, асосан пахтаси, қоракўл терилари, шак, қуруқ мевалари, қимматбаҳо мўйналари, фойдали қазилмаларини ташиб кетиш учун хизмат қилди.

Рус ҳукумати Термиз орқали бутун Сурхон воҳасининг хом ашёсини ташиб кетиш, Россиядан бу ўлкага саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келиб сотиш билан чегараланмай, суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайтирди. Пахтачиликни ривожлантириш ва ундан борган сари кўпроқ фойда кўриш чоризмнинг асосий мақсади эди. Манбаларда қайд этилишича, 1907 йилда 1700 пуд, 1909 йилда 2200 пуд, 1910 йилда 340000 пуд, 1911 йилда 60000 пуд пахта Россияга олиб кетилган.

1913 йилда Сурхондарё вилояти ҳудудида 5500 тонна пахта ҳосили олинди. Шунинг ўзи рус савдогарларининг бутун диққат эътиборини пахта экиш ва ундан ҳосил олишга қаратганларидан далолат беради. Пахта экин майдонларини кўпайтириш учун чоризм барча чора-тадбирларни кўрди. Аввало, Саловотдаги ғоят унумдор, серҳосил ерлардан 800 десятина рус амалдорларига олиб берилди.

Термизда айни шу даврда пахта сақланадиган омборлар, кўнгилочар бинолар, ишчилар кварталлари, казармалар, ҳарбийлар лазаретлари, ҳарбийларнинг уйлари жойлашган бўлиб, ҳарбий бошқарма томонидан бошқарилган³¹.

Подшо ҳукумати Термизда ҳарбий истеҳкомлар қуришда, қалъа қурилишида, суғориш тизимини барпо этишда, умумий Термиз шаҳри-

³⁰ Дело Российского политического агентства в Бухаре. № 1208. П. 1—3, март—апрель 1916 г.

³¹ ЎзР МДА. 1-ф., 27-рўйхат, 173-нш, 14-варақ.

ни барпо этишда маҳаллий аҳолининг ишчи кучидан фойдаланди, маҳаллий деҳқонларни тинимсиз беғул ишлатди. Шеробод беклигининг сарбозлари, подшо ҳарбий бошқармасининг кўрсатмасига биноан, деҳқонлар кунига 12—14 соатлаб тутқунликда очнаҳор меҳнат қилдилар. Бу ҳақ деҳқонларнинг очликдан ўлиб қолмасликлари учун тўланар эди, холос. Меҳнатга кам ҳақ тўланиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлиги деҳқон-қурувчиларни ярим оч ҳолатда яшашга мажбур қиларди. Улар иш ҳақини 3 тангага кўтаришни талаб қилдилар. Туркистон ҳарбий округи қурилиш ишларини тўхтаб қолишдан қўқиб, телеграф орқали иш ҳақиغا яна бир танга қўшимча қўшиш ҳақида кўрсатма берди. Аммо, порозилик билдирган асосий исёнчилар Шеробод беги томонидан ушланиб, 1900 йил Паттақесар қишлоғидаги майдонда ошкора қатл этилдилар³².

Подшо Россиясининг Ўрта Осиёни ҳарбий куч, зўравонлик, босқинчилик билан босиб олиши ва шу ҳудудда узоқ йиллар мобайнида мустамлакачилик сиёсатини юргизиши маҳаллий халқларга катта таъсир кўрсатди. Чоризм томонидан уюштирилган ҳарбий юришлар юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, Ўрта Осиё халқлари аёвсиз таландилар, шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди. Нафақат Ўрта Осиё, балки кишилик тарихи ва жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бўлган қадимий Термиз шаҳри мустабид тузум исканжасида қолиб, унинг мақсад ва манфаатларига бўйсундирилди, фақат истиқлол туфайли бу қадимий шаҳар ўз ўтмишини, тарихий мавқеини тиклашга муваффақ бўлди.

³² Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи.

З. Даминова

УСТАНОВЛЕНИЕ КОЛОНИАЛЬНОГО ГОСПОДСТВА РОССИИ В ГОРОДЕ ТЕРМЕЗ И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ

На основе новых источников освещается военно-стратегическое значение города во внешней и внутренней политике царизма, гражданское, военное управление и социально-экономическое положение в городе.

Z. Daminova's

THE ESTABLISHMENT OF RUSSIAS COLONIAL POWER IN TERMEZ AND IT CONSEQUENCES

Shows a military-strategic significance of the city in the internal and foreign policy of tsarism. Author also describes a civil military management and social-economic situation in Termez. The article is written on the basis of new materials and sources.

Т. Котюкова

ИЗ ИСТОРИИ БОРЬБЫ ЗА ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО ТУРКЕСТАНА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМЕ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

3 июня 1907 г. II Государственная Дума России была распущена царским указом. Одновременно с роспуском предлагалось обнародовать

новый избирательный закон, где, в частности, говорилось: «Созданная для укрепления государства Российского, Дума должна быть русской по духу. Иные народности, входящие в состав державы нашей, должны иметь в Государственной Думе представителей нужд своих, но не должны и не будут являться в числе, дающем им возможность быть вершителями вопросов чисто русских. В тех же окраинах государства, где население не достигло достаточной гражданственности, выборы в Государственную Думу должны быть временно приостановлены»¹.

Фарғона водийсида кечган кўп асрлик миграцион жараёнлар аҳолининг муваққаб этник таркибини шаклланишига олиб келди. XIX аср охири — XX аср бошларида мазкур тарихий-этнографик ҳудудда ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлардан ташқари, қорақалпоқлар, уйғурлар, руслар, украинлар, белоруслар, татарлар, лўлилар, қozoқлар, туркманлар ва бошқа кўплаб этник жамоа вакиллари ҳам яшаганлар.

Ушбу этник жамоа вакилларини узоқ муддат давомида мазкур этник алоқа минтақасида ёнма-ён, баъзан аралаш ҳолда яшашлари шубҳасиз ҳаётнинг барча жабхаларида ўзаро қатъий алоқаларни қарор топишига олиб келган. Хусусан, турли этник жамоаларнинг ўзаро хўжалик алоқалари ҳам албатта узоқ давом этган этно мулоқотларнинг махсулдир.

XIX аср охири — XX аср бошларида кечаётган хўжалик соҳасидаги этнослараро алоқаларни турли хўжалик-маданий тип (ХМТ)га

¹ «Этнослараро алоқалар», «этнослараро мулоқотлар» ва «этнослараро муносабатлар» атамалари гарчи бир хил тушунчани ифодаламаса-да, лекин мазкур мақола доирасида улар айнан бир хил тушунчалар сифатида қаралади.

² Кушнер П. И. (Книшев). Этнические территории и этнические границы. М., 1951. С. 18, 26, 27.

мансуб халқлар орасида янада яққол намоён бўлишини кузатиш мумкин³. Зеро, хўжалик фаоллигининг йўналиши ҳар хил бўлган турли этник жамоа вакиллари бир ҳудудда яшар эканлар ўзаро алоқага киришмасликлари мумкин эмас. Биз ўрганаётган тарихий-этнографик ҳудудда ҳам ушбу ҳолат юз берганлигини тарихий маълумотлар тасдиқлайди.

Деҳқончилик хўжалигини юритиш бўйича қадимий тажрибага эга бўлган водийнинг ўтроқ аҳолиси яримўтроқ — қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ ва бошқа шу каби чорвадор халқларнинг ўтроқлашуви ҳамда уларнинг деҳқончилик билан шуғулланишига ўтишларида катта таъсир кўрсатганлар.

Тўғри, бу пайтга келиб юқорида санаб ўтилган Фарғона водийсидаги яримўтроқ аҳолининг талайгина қисми ўзларининг донмий қишлоқ жойларига эга бўлганлар. Одатда, ушбу яримўтроқ чорвадор аҳолининг бундай қишлоқ жойлари ўзбек ва тожик қишлоқлари яқинида жойлашган бўларди. Бундай жойлашув шунга олиб келдики, ўзбек ва тожик деҳқонлари таъсирида қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ каби чорвадор аҳоли тобора кўпроқ деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. Масалан, Ч. Ч. Валихоновнинг таъкидлашича, адиген уруғидан бўлган қирғизларнинг баъзи гуруҳлари XVIII асрнинг ўрталаридаёқ Марғилон ва Уш шаҳарлари атрофидаги ерларда деҳқончилик қилиб, ғалла етиштирганлар⁴. Кўриб чиқилаётган даврда ўзбек ва тожик деҳқонлари томонидан асосан жўхори, арпа, бугдой, шоли, пахта, кунжут, зигир, сабзи ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилар эди. Ушбу қишлоқ хўжалик экинлари аста-секин ўтроқлашаётган қирғиз хўжаликлариди ҳам тарқала бошлади. Бироқ, ушбу қишлоқ хўжалик экинларини қирғизлар орасида пайдо бўлишини фақат XIX аср охири — XX аср бошлари билан боғлаш ҳам унчалик тўғри бўлмас, негаки уларнинг айримлари қирғизлар хўжалигида қадимдан етиштириб келинганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳам mavjud. Бу борада тадқиқотчи А. С. Бешкович томонидан 1928 йили қирғиз қарияларидан ёзиб олинган қуйидаги ҳикоя эътиборга молик: «...қирғизлар ҳали экин-текин билан шуғулланмаган, жуда қадим замонларда бир қирғиз пиёда тоғлар ошиб Андижонга боради ва у ерда Фарғона деҳқонларидан тариқни экиш, суғориш, ўриш ва янчишни ўрганади. Ушандан буён қирғизлар тариқ экадилар ҳамда ундан бўтқа ва бўза тайёрлайдилар»⁵.

Тариқдан ташқари қирғизларнинг водийнинг деҳқончилик ҳудудлари яқинида жойлашган гуруҳлари бугдой, тамаки ва маккажўхори ҳам етиштиришни билганлар. XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса Фарғонадаги ўзбек аҳолининг таъсири остида Жанубий Қирғизистон ҳудудидаги қирғизлар ҳам шоли етиштиришга киришадилар⁶.

³ Хўжалик-маданий типлар ҳақида қarang: Ливин М. Г. Чебоксаров Н. Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области // СЭ. 1955. № 4. С. 3—17; Андреев Б. В. Хозяйственно-культурные типы Средней Азии и Казахстана (с картой) // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. I, II, М., 1963.

⁴ Валиханов Ч. Ч. Записки о киргизах // Соч. Т. I. Алма-Ата, 1961. С. 422.

⁵ Бешкович А. С. Историко-этнографические особенности киргизского земледелия // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. ТИЭ. Новая серия. Т. XC. VIII. Г. 1973. С. 33.

⁶ Плоский В. М. Киргизы и Кокандское ханство. Фрунзе, 1977. С. 233.

Қирғизларда ўтроқлашув жараёни жадаллашган XIX асрнинг охиридан эътиборан улар ҳўжалигида деҳқончилик тобора муҳим ва ҳатто ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб борди.

Таъкидлаш жоизки, қирғиз халқининг ўтроқ ҳаёт кечиришга ва деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиш жараёни Шарқий Фарғона ҳудудида жадал суръатда кечди. XIX асрнинг 90-йилларидаёқ Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган қирғизларнинг 200 минг нафари ёки 65 фоизи ўтроқлашган бўлиб, асосан, деҳқончилик билан шуғулланар эдилар⁷.

Жанубий қирғизларнинг деҳқончилик қуроллари ўзбеклар ва тожикларникидан деярли фарқ қилмас, чунки улар ҳам ҳўжалик алоқалари жараёнида қўшни ўзбек ва тожиклардан ўзлаштириб олинган эди. Тўғри, бу даврда ҳали деҳқоннинг иш қуроллари ўта содда бўлган. Ерга асосан омон, бўйинтуруқ, мола каби маҳаллий қишлоқ ҳўжалик қуроллари ёрдамида ишлов бериларди⁸.

Қирғиз деҳқонлари ҳам ҳосилни ўроқ билан ўриб олишар эди. Янчиш учун эса жанубий қирғизлар «...ўзбеклар ва тожиклардан ўзлаштирган дарахт шоҳ-шаббаси ҳамда ҳашакларни ром шаклдаги тўғри тўртбурчакли мосламадан фойдаланганлар⁹.

Фарғонанинг деҳқон аҳолиси XVII—XVIII асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимидаги туманлардан бу ерга келиб ўрнашиб қолган қорақалпоқларнинг деҳқончилик ҳўжалиги ривожига ҳам катта таъсир кўрсатдилар¹⁰.

Фарғона водийсига кўчиб ўтгунларига қадар қорақалпоқлар ҳўжалиги деҳқончилик-чорвачилик-балиқчиликдан иборат комплекс характерга эга бўлган¹¹. Шу сабаб, қорақалпоқлар Фарғона водийсига ўрнашар эканлар, айнан Сирдарё қирғоқлари яқинига жойлашиш ҳаракатида бўлганлар. Чунки, бу жойлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларига, яъни анъанавий машғулотларини давом эттиришларига имконият берар эди. Боз устига, улар дарё қирғоқларига жойлашсалар ўзлари учун анъанавий бўлган қамишдан бўйра, бордон каби халқ истеъмол жиҳозларини тайёрлашни ҳам давом эттира олардилар. Қамишдан бўйра, бордон каби истеъмол жиҳозларини тўқиш қорақалпоқлар уй ҳунармандчилигида асосий ўринлардан бирини эгаллар эди¹².

⁷ Ежегодник Ферганской области. Т. I. Новый Маргилан, 1902. С. 5.

⁸ Ўрта Осиё халқларининг деҳқончилик қуроллари ҳақида батафсил маълумот олиш учун, қarang: Милдендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. С. 227, 228; Наливкин В. П. Очерки земледелия в Наманганском уезде/ТВ. 1880. № 25; Гамбург Б. С. К характеристике орудий земледельцев Ферганской долины и Ташкентского оазиса конца XIX — первой четверти XX в./Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1975; Фриштейн Л. А. Земледельческие орудия таджиков и узбеков (по коллекциям МАЭ)/МАЭ. XXVI. Л., 1970. С. 143—200; Ершев Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района ТаджССР в период Октябрьской революции. Сталинабад, 1960. С. 33—36; Мухитдинов И. Сельскохозяйственные орудия таджиков Ишкалимского района ГБАО. ТаджССР/СЭ. 1971. № 1; Джаббаров И. М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма. (конец XIX — нач. XX в.)/История материальной культуры Узбекистана. Вып. II. Ташкент, 1961. С. 283—287 и др.

⁹ Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. Л., 1971. С. 92.

¹⁰ Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины. Нукус, 1959. С. 17—26.

¹¹ Жданко Т. А. Каракалпаки Хорезмского оазиса/ТХЭ. Т. I. М., 1952. С. 463.

¹² Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины... С. 31.

Агарда XIX асрнинг ўрталарида Фарғона қорақалпоқлари хўжалигида ҳали чорвачилик ва балиқчилик анча сезиларли мавқега эга бўлса, мазкур юз йилликнинг охирига келиб деҳқончилик улар хўжалигининг муҳим тармоғига айланади. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар гувоҳлик бериб турибди: 1897 йилда «Фарғонада рўйхатга олинган 11056 қорақалпоқдан 10199 нафари яъни 92 фоизига яқини деҳқончилик ҳисобига яшашган»¹³. Бу даврда қорақалпоқ деҳқонлари томонидан асосан жўхор, буғдой, шол, тарик, қовун, тарвўз, қовоқ, пийёз, сабзи ва бошқа экинлар етиштирилган. Ўтроқ ўзбеклар таъсири остида уларнинг баъзилари эса ҳатто боғдорчилик билан ҳам шуғуллана бошлаганлар. Ўз томорқаларида узум, олма, нок, анор каби мева-мевали дарахтларни парваришлаш Фарғона водийси қорақалпоқлари учун ҳам одат тусига кириб борди.

Фарғонанинг бошқа халқлари каби бу даврда қорақалпоқлар хўжалигида ҳам пахта етиштиришга катта эътибор берила бошлади. Яримўтроқ халқлар хўжалигида айнан пахта етиштиришнинг кенг тарқалиши, ўз ўрнида уларни водийдаги деҳқончилик хўжаликлари билан янада яқинлашувига имкон яратди.

Кўриб ўтганимиздек, XIX аср охири — XX аср бошларида Фарғона водийсидаги қирғизлар, қорақалпоқлар ва қипчоқлар хўжалигида ҳам деҳқончилик мустаҳкам мавқега эга бўлиб борди. Бироқ, шунга қарамай, қадимий анъаналар таъсирида бу халқлар (хусусан, қирғизлар) хўжалигида ҳали чорвачилик етакчи хўжалик тармоғи бўлиб қолаверади.

Айни вақтда қирғиз чорвадорлари ҳам ўз ўрнида фарғоналик ўзбеклар ва тожикларнинг чорвачилик хўжалиги ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда эдилар. Зеро, улар чорвачилик хўжалигини юритиш борасида катта тажрибага эга эдилар. Бу даврда қирғизлар қўй, эчки, от, туя ва йирик шохли ҳайвонларни боқиб, кўпайтирганлар. Агар қирғиз чорвадорлари Қўқон хонлиги даврида қўй ва туяларга қараганда, кўпроқ отларни етиштирган бўлсалар, улар яшаб турган ҳудуд Россия таркибига қўшилгандан сўнг эса қўйчилик биринчи ўринни эгаллади. Шу ўринда жанубий қирғизларнинг чорвачилик хўжалиги бир қатор ўзига хос хусусиятларига эга эканлигини қайд этиб ўтиш жонз. Чунончи, жанубий қирғизлар хўжалигида улар Россия таркибига кирганидан кейин ҳам отларга ва йирик шохли ҳайвонларга катта аҳамият берилади. Чорва ҳайвонларининг баъзи турларига бўлган бундай алоҳида эътибор жанубий қирғизларни аввалгига нисбатан жадал ўтроқ турмуш тарзига ўтиши ва энди деҳқончилик билан тобора мунтазам шуғулланишга киришаётганликлари билан изоҳланади¹⁴.

XIX аср охири — XX аср бошида чорвачилик фарғоналик ўзбеклар ва тожиклар хўжалигининг ўзида ҳам ҳали муҳим ўрин тутар эди. Тўғри, бу даврда ҳайвонларнинг асосий қисми йирик мулкдорларнинг қўлида тўпланган эди.

Эндиликда, катта миқдордаги чорва учун водийда яйловларнинг етишмаслиги бонс, кўп сонли чорва ҳайвонларига эга бўлган бойлар

¹³ Первая всеобщая перепись населения Российской империи. 1897. СПб., 1905. Т. 89. Табл. XXII. С. 122, 123.

¹⁴ Абрамзон М. С. Киргизы и их этногенетические... С. 72.

ёзда ўз чорваларини боқиш учун қирғиз чўпонларига берар эдилар. Масалан, В. А. Парфентьев бу ҳақда шундай ёзади: ўзбекларнинг «Водил қишлоғида ёзги яйловлар йўқ, шунинг учун чорва ёзги манзилларига жўнайдиған қирғизларга топширилади. Қирғизлар чорванинг бут бўлишини таъминлайдилар ва ўз қишловларига қайтганларида йўл-йўлакай уларни эгаларига топширадилар»¹⁵.

Катта миқдордаги қўйлари бўлган бадавлат деҳқонларнинг чорвасини боқиш учун қирғизлардан ташқари, қилчоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа яримўтроқ аҳоли вакиллари ҳам ёлланар эдилар. «Бу ярим қўчманчилар, — деб таъкидлайди В. И. Кушелевский — бу борада, — соғиладиган сигирлари ва миниладиган отларидан ташқари, бутун чорвасини уларга боқиш учун топширадиган ўтроқ аҳолининг чўпонлари бўлиб хизмат қиладилар»¹⁶. Уларни 6 ой муддатда ёллаганлар ва бунинг учун меҳнат ҳақи сифатида 3—4 та қўй берганлар.

Ёлланган чўпон ва уни ёллаган отар соҳиби ўзларига муайян мажбурийятлар олганлар. Чўпон ва унинг ёрдамчиси отардаги чорва сонини камайишига йўл қўймай, тўлиқ сақлашлари керак бўлган, отар соҳибни эса уларни (яъни, чўпон ва унинг ёрдамчисини) кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаган¹⁷.

Олой водийсининг яйловлари қадимдан нафақат қирғиз, балки фарғоналик ўзбек ва тожик чорвадорлари учун ҳам ёзги яйлов вазифасини бажарган. Ёз мавсумида бу ерда 15 мингтага қадар қирғиз ва ўзбек чорвадор онглари йиғилиши мумкин эди. Чорванинг умумий миқдори эса ярим миллион бошга етган¹⁸.

Қирғиз, ўзбек ва тожик чорвадорлари ўртасида доимий равишда чорванинг наслини яхшилаш ва янги зотдор чорва ҳайвонларини кўпайтириш бўйича тажриба алмашув бўлиб турган. Натижада чорва ҳайвонларининг янги-янги наслдор зотлари пайдо бўлган¹⁹.

Дарвоқе, одатда қирғизлар ўз чорвалари учун қишга пичан жамгармас, қиш фаслида ҳам чорвани ҳайдаб боқар эдилар. Бироқ, чорва ҳайвонларини ҳайдаб боқиш учун бўш ҳудудларнинг камайиб бориши (айниқса, Фарғонанинг текислик қисмида) оқибатида улар ўтроқ ўзбек ва тожиклар каби секин-аста пичан жамғариш билан ҳам шугуллана бошлаганлар.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, XIX аср охири — XX аср бошларида Фарғона водийсида юз берган этнослараро жараёнларнинг ҳолати ва ушбу жараёнларнинг келгуси ривожиди турли этник жамоаларининг ҳўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатлари муҳим роль ўйнаган.

¹⁵ Парфентьев В. А. Селение Вуадил//ЕФО. Т. III. 1904. С. 68.

¹⁶ Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. В 3-х томах. Т. II. Новый Маргилан. 1891. С. 364.

¹⁷ Шаниязов К. Ш. Отгонное животноводство у узбеков. Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. ТИЭ. Новая серия. Т. XCVIII. Л., 1973. С. 87.

¹⁸ Волконский А. От Нового Маргилана до границы Бухары: Путевые заметки//Вестник Европы. 1894. № 7/ТС. № 429.

¹⁹ Взаимосвязи киргизского народа с народами России, Средней Азии и Казахстана (конец XVIII — начало XIX вв.). Фрунзе, 1985. С. 32.

У. Абдуллаев

ИЗ ИСТОРИИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ НАРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В СФЕРЕ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ (конец XIX — начало XX века.)

В статье анализируются межхозяйственные взаимоотношения народов Ферганской долины в конце XIX — начале XX в.

На основе многочисленных фактических материалов отражены этнические связи в сфере традиционного хозяйства, наиболее ярко проявляющиеся у этносов, принадлежавших к различным хозяйственно-культурным типам (ХКТ).

В заключение автор делает вывод о том, что межхозяйственные связи различных народов являются одним из основных каналов межэтнического общения.

U. Abdullaev

ON THE HISTORY OF FARGHOND VALLEY PEOPLES RELATIONS IN THE ECONOMIC ACTIVITY (THE TURN OF XIX CENTURY)

The article deals with economic relations between different ethnic groups of the population of the Farghona valley of that period. The author has analysed a great deal of historical materials to consider interethnic relations in the sphere of the traditional economical relations between different peoples as one of the essential channel of interethnic contacts.

*Мунозара ва мулоҳаза**

А. Асқаров

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИНГ БАЪЗИ
БИР НАЗАРИЙ ВА ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг этногенез ва этник тарихи билан узвий боғлиқдир. Этногенез ва этник тарих эса тарих фанининг бош масаласидир. Бирор халқнинг келиб чиқишини, унинг этник қатламлари таркибини аниқламай туриб, у халқ ҳақида, у таркиб топган ҳудуд ва унинг давлатчилиги ҳақида бирор илмий тасаввур яратиш мумкин эмас.

Тарих фанидаги мавжуд илмий методологик ишланмага кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки қисмдан — этногенез ва этник тарихдан иборат бўлади. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган тарихдан иборат. Этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар ва омиллар мутассамланган бўлади. Фанда этносни уюштирувчи зарурий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ва этник белгилар мавжуд. Улар ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ҳўжалик бирлиги, этно-маданий бирлик, тил бирлиги, этник ном бирлиги, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят сиёсий уюшма (политическая консолидация)лардан иборат. Юқорида санаб ўтилган этник аломатлар алоҳида олинган қисқа бир даврда юз бермайдн, балки узоқ давом этган этногенетик жараён давомида бирин-кетин таркиб топиб боради. Қачонки, этник белгилар ва аломатларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос-халқ шаклланиши ўз ниҳоясига етади. Шаклланган этноснинг бундан кейинги тарихи фанда этник тарих номи билан юритилади. Ўзбек этногенез ва этник тарихининг назарий ва илмий методологик асосларини ишлаб чиққан таниқли олимлар А. Ю. Якубовский ва С. П. Толстовлар «баъзида этнос тарихи унинг номидан қадимий бўлади, масалан, ўзбек халқи тарихи унинг номидан қадимийдир»¹, деб фандаги умум назарий тушунчага аниқлик киритганлар.

Бироқ, этнос-халқнинг шаклланиши миллатни шаклланиши деган сўз эмас. Миллатни шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, миллат этник тарихининг энг юқори юксак чўққиси, камолат босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умум халқ-миллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади, ўзликни англаш даражаси эса фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, қундалик турмуш тарзига айланади.

* «Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти мазкур руқнда чоп этилаётган А. Асқаров ва Ш. Камолитдин мақолаларида баён этилган фикрлар, илмий хулосаларга тўла қўшили олмайдн. Ушбу мақолалар муҳокамасини сизга ҳавола қилиб, фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўраймиз.

¹ Тревер К. В., Якубовский А. Ю., Воронев М. Э. История народов Узбекистана. Ташкент, 1950. С. 8.

Хар бир халқ этногенез ва этник тарихини ўрганишда мана шу назарий ва илмий методологик принципларига амал қилиш талаб этилади. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихи ҳам бундан истисно эмас.

Биринчидан, этногенез ва этник тарихини ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда ўрганаётган халқ этногенезини қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак. Чунки, этнос фақат кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлди. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган «аждодаларига» бориб тақалади. Масалан, ўзбек халқи этногенезининг бошланиши мавжуд тасаввурларга кўра, Қанг давлати доирасида содир бўлган². Бизнинг тасаввуримизга кўра, бу тарихий жараён миллоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирларида юз берди³. Таъкидлаш жоизки, ҳеч қачон этнос аждодаларининг антропологик тип ва тили этнос тили ва тип билан бир хил бўлмаган. Чунки, кишилик жамиятининг илк босқичларида этник бирликлар, айниқса уларнинг тили ва тип ҳали шаклланмаган. Тил, тип ва этник бирлик тушунчалари ҳар хил давр воқийлиги бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни бир даврда юз бермайди.

Иккинчидан, этнос, бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилик тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради. Бу табиий ҳол. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз этногенез жараёнининг илк босқичларидан то миллат даражасига кўтарилгунигача бошқа этник қўшилмаларсиз ривожланган бўлса. Демак, ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник қатламдир. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг назарий ва илмий методологияси асосчиларидан бири ҳисобланган олим С. П. Толстовнинг археологик, антропологик ҳамда этнография ва тарихий ёзма манбалар таҳлили асосида чиқарган қуйидаги хулосаси тарихий ҳақиқатни эслатади: «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли халқлар ва теварак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган»⁴. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи бунга яққол мисолдир. Дарҳақиқат, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар унинг асосий таркибини ташкил этган автохтон сугду-хоразмий ва қадимги туркийзабон қатламлардан ташқари ўзига турли даврда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак-атрофлардан келиб қўшилган этник гуруҳларни сингдириб борди.

Учинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичидан бошлашни тақозо этади. Этник бирликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг эт-

² Толстов С. П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ., 1947, № VI—VII. С. 303; Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001. 19-бет.

³ Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. УИФ. 1996. 6-сон. 71-бет.

⁴ Толстов С. П. Ўша асар. 304-бет.

носга айланиши жуда қадим-қадимги замонлардан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этаётган бутун бир тарихий жараёндир⁵. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири эса унинг шаклланиш жараёнини ниҳоясига етишидир. Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқийлик таъсиридан сўнг этнос таркибига сингиб кетади. Масалан, шундай ҳолат ўзбек халқи тарихида юз берган, яъни XI—XII асрларда узиш-кесиш шаклланган ўзбек халқи таркибига XIII аср бошларидаги Чингизхон истилолари ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёга шайбонийлар кириб келиши муносабати билан ўзбек халқи таркибининг асоси ўзгариб қолмади, аксинча, улар жанубий Сибирь антропологик типининг тимсоли сифатида Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғ олди ва чўл минтақаларида узоқ вақт алоҳида этнографик гуруҳлар бўлиб яшай бердилар. Уларнинг бадавлат аслзода табақаси шаҳарларга ўрнашиб, Ўрта Осиё ўзбек халқлари тоғасида турсалар ҳам, уларнинг маҳаллий туб аҳоли таркибига сингиши жуда секин кечди⁶.

Тўртинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирлиكنинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги давларини, унга хос муҳим этник белги ва аломатларни аниқлаб, ўрганиб боришлик талаб этилади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, этник бирлик белгилари бир вақтда пайдо бўлмайди, балки этногенез жараёни давомида босқичма-босқич таркиб топиб боради. Этнос белгилари орасида тил бирлиги, этно-маданий бирлик ва ўзликини, яъни миллий этник бирликини англаш бирлиги алоҳида аҳамият касб этади. Қўтаришган масалалар бўйича этнос шаклланишининг назарий асослари билан шуғулланган қатор олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, археолог В. Ф. Генинг этник белгиларни этносни уюштирувчи этник омилардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади, дейди⁷. Этносни уюштирувчи объектив омиларга у ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгни тўғилишига асос беради, дейди. Этнограф Л. П. Лошук ва П. К. Козловлар тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник оми, балки этник белги ҳамдир, дейдилар⁸. Аммо, этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омига киритмайдилар, тил фақат этник белгидир, дейдилар⁹. Бунга биз ҳам тўлиқ қўшилаемиз. Этник белгилар ичида ўзликини англаш бирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида этнографлар алоҳида таъкидлайди-

⁵ Крюков М. В., Софронов М. В., Чебоксаров Н. Н. Древние китайцы. Проблемы этногенеза. М., 1978. С. 5—6.

⁶ Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. Часть 1—3. Ереван, 1957—1959. С. 59.

⁷ Генинг В. Ф. Этнический процесс в первобытности. Свердловск, 1970. С. 23.

⁸ Лошук Л. П. О формах до национальных этнических связей/Вопросы истории. 1967. № 4. С. 80; Козлов В. И. Динамика численности народов. М., 1969. С. 26—28.

⁹ Крюков М. В. и др. Там же. С. 4.

лар. Этнограф В. В. Мавродин тил ва ўзликни англаш бирлиги элани халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омиллар, дейди¹⁰.

Шундай қилиб, этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини кузатиб бориш этногенетик илмий тадқиқотларни тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий ҳўжалик бирлиги, антропологик тип ва снсий уюшма бирлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этно-маданий бирлик, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги киради. Уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узок давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Қачонки, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён якунланиб, халқнинг тарихи бошланади.

Бешинчидан, этногенетик жараёни ўрганишда масалага комплекс ёндашиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимига объектив илмийлик бағишлайди¹¹. Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланаётган бирламчи манбаларнинг исбат ва хусусиятини билиш муҳимдир. У манбалар антропология, археология, этнография, ёзма ёдгорликлар, тилшунослик, эпиграфика ва бошқалардир.

Антропология маълумотлари маълум ҳудудий бирликда шаклланиган этносни айнан мана шу территория доирасида яшаган қадимги аҳоли билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақида гапиршига ишора қилади. Антропологлар ҳар хил этник гуруҳлар қорншувидан у ёки бу этнос типини таркиб топиш жараёнини кузатиб боради. Археология тадқиқотчига этно-маданий жараёни қандай кечаётгани ҳақида этногенетик маълумотлар беради. Маданиятда янги элементларни пайдо бўлишини ва уларни этногенетик жараён билан боғлиқ эканлигини кузатади. Археология этник жараёнларни ўрганишда антропология ва ёзма манбалар билан узвий боғлиқдир. Масалан, этногенезга оид археология маълумотлари палеоантропология материаллари билан тўлдириб борилади. Палеоантропология маълумотлари эса объектни археологик тадқиқотлар асосида аниқланган хронологиясиз илмий аҳамият касб этмайди. Аҳолининг бирор этник уюшмага тегишли эканлиги археологик маълумотлар билан исботланса-да, аммо у ёзма манба ҳамда палеоантропология материаллари билан тасдиқланмаса, у илмий аҳамият касб этмайди.

Эпиграфика ва ёзма ёдгорликлар этногенез учун ноёб материаллар манбадир. Аммо, улар ҳар доим ҳам ишончли бўлавермайди. Шунингдек, тадқиқотчидан бу категория материалларига тегишли ёндашишликни талаб қилади.

Тил асосий этник белгиларнинг бири сифатида этник уюшмани узил-кесил шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Тил воситасида ҳатто кишилик тарихининг ёзувсиз даври этник муносабатлари тарихи ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Тилларни тарихий ва типологик қиёсий ўрганиш нафақат уларнинг шаклланиш жараёни ҳақида

¹⁰ Мавродин В. В. К вопросу о складывании великорусской и русской нации. СЭ. 1947, № 1, С. 89.

¹¹ Крюков М. В. и др. Там же. С. 11.

тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берди, балки тиллараро генетик алоқалар борлиги ҳақида ишончли маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи этногенезини ўрганишда лингвистик тадқиқотлар ўтказиш ниҳоятда муҳим ва истиқболдир.

Этногенез муаммоларини ўрганишда этнография маълумотлари ўта муҳимдир. Улар этносга хос моддий ва маънавий маданият анъаналарининг изчиллигини аниқлаш имкониятини беради, археологиядан фарқли ўлароқ, жонли материаллар мисолида, этноснинг ўзликини аниқлаш даражасини кўзатади.

Этногенез масалалари этник тарихни даврлаштириш муаммоси билан узвий боғлиқдир. Этногенез ва этник тарихни даврлаштириш эса этносни этногенез босқичидан то унинг ҳозирга қадар давом этган антропологик типдаги изчил боғланишни тадқиқ этишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам этногенез масалаларини ўрганишда нафақат палеантрология материаллари, балки ҳозирги замон одамларининг қон таркиби (ДНК) ва бармоқ излари бўйича материаллар тўплаш талаб этилади.

Этногенетик жараёни ўрганишда уч масалада ойдинлик бўлиши тақозо этилади: 1) ўрганилаётган халқ туб ерлими ёки келгинди; 2) ўрганилаётган этнос асоси бир компонентлими ёки кўп компонентли; 3) ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топган. Тадқиқотчи олдида ушбу саволларни қўяр экан, доимо ёдда тутиш керакки, этник уюшманинг «моногенези» ҳақидаги тезис кишилик жамияти ривожининг тарихий тараққиётига мутлақо зиддир. Мутахассслар орасида этносни кўп этник қатламли бўлишини инкор этувчи бирор киши бўлмаса керак.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини назарий масалалари билан таниқли элшунос академик К. Шониезов ҳам шугулланиб, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнаlining 1998 йил 6-сонига «Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар» номи остида махсус мақола эълон қилган. Худди шу мақоланинг тўлдирилган матни К. Шониезовнинг ўлиmidан сўнг чоп этилган унинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асарига «Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид баъзи назарий масалалар» номи остида киритилган¹². Ушбу мақолада муаллиф этносни (халқни) келиб чиқишини илмий асосда ёритишнинг бирдан-бир тўғри йўли шу масалага доир назарий ишламалардан хабардор бўлишликни тақозо этади, деб тўғри айтган. Шунингдек, шўролар даврининг марказ олимлари этногенез ва этник тарихни ўрганишликнинг назарий масалалари юзасидан қатор мақола ва монографиялар яратишларига қарамасдан, улар кўпинча этнос назарий масалалари ҳақида умумий фикр-мулоҳазалар қилиб, «Россия империяси таркибидаги миллатлар, элатларга хос этногенетик хусусиятларига етарли даражада аҳамият берганлар. Шу боис, улар олдинга сурган этносга оид бир қанча назарий масалалар маҳаллий халқларнинг этногенетик жараёнига мос келмади», деган хулосага келади¹³.

¹² Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. 2001. 74—102-бетлар.

¹³ Шониезов К. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар. УИФ. 1998. 6-сон. 31-бет.

К. Шониёзов этногенез масаласида ҳудудий бирлиكنи этироф этган ҳолда «Ўзбек элатининг шаклланган ҳудудини маълум бир ер билан чегаралаб қўйиш тўғри бўлмайди» чунки, «ҳудуд бирлиги этноснинг шаклланишида муҳим аломатлардан бири бўлса ҳамки, лекин ҳудуднинг бутулиги ҳамма вақт ҳам сақланиб қолавермаган» деган иборасини ишлатиб¹⁴ ўзбек элатининг этногенетик жараёни дастлаб кечган районларга Қарлуқлар давлати ҳудудлари ҳам кирганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, бу ҳудудлар доираси ўзбек элати сиёсий жиҳатдан (бу жойда қорахонийлар даври кўзда тутилмоқда) узил-кесил шаклланган кезларда жуда кенг бўлганлигига ишора қилади. Лекин, турли сабабларга кўра, ўзбек этногенези кечган бу ҳудудий доира кейинчалик торайса-да, аммо, «ўзбек элатини асосий ўзагини ташкил қилган этник компонентлар яшаб турган ҳудудларини IX—X асрлар давомида (яъни ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида) ўзгартирмаган»лигига урғу беради¹⁵. Шу билан бирга, атоқли элшуносимиз, бир қарашда элатнинг шаклланиши учун зарурий аломатлардан бири ҳисобланган ҳудудий бирлик омили назарий қарашларга зиддек кўринса-да, аммо этноснинг шаклланиши масаласида ҳар бир элат этногенетик жараёнига индивидуал ёндошиш зарур эканлигини асослаб беради. Дарҳақиқат, ўзбек элатининг асосий ўзагини ташкил этган этник компонентлар — суғду-хоразмий ва турғун туркийлар Қарлуқлар давлатининг IX—X асрларда марказий ҳудудларини ташкил этган Етисувда ҳам, Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам яшар эдилар. IX—X асрларда сомонийларнинг Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасида бўлиши ўзбек этносининг Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда сиёсий жиҳатдан уюлишига имкон бермас эди. Бу имконият Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи ҳокимиятдан кетиб, қорахонийлар давлат тепасига келгач юз берди. Мовароуннаҳрда сиёсий ҳокимият тепасига келган қорахонлар Қарлуқлар давлатининг ворисхўрлари сифатида ўзбек халқни этногенетик жараёнини ниҳоясига етишини тезлаштирди. Шунинг учун XI—XII асрларда ўзбек элатининг халқ сифатида шаклланиши ўз ниҳоясига етди, деган тезис фанда қабул қилинган.

К. Шониёзов назарий қарашларида гўё этноснинг иқтисодий хўжалик бирлиги масаласида ҳам қарама-қаршиликлар бордек туйилади. Масалан, у этноснинг шаклланишидаги омиллардан бири сифатида иқтисодий хўжалик бирлигини таи олган ҳолда¹⁶, «ўзбек халқининг аجدодлари алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб уюшган даврларда (IX—X аср), унинг таркибига кирган этник компонентларининг хўжалик фаолияти бир хилда бўлмаган»¹⁷ дейди. Муаллиф, ўзбек элатининг иқтисодий хўжалик бирлиги ҳақида фикр юритганда, у уюшаётган элатнинг ўтроқ ва чорвадор қисми ўртасидаги фарқни кўзда тутди. Шу билан бирга, турғун аҳолининг маданий хўжалик ва турмуш тарзида чорвадорларга нисбатан анча-мунча фарқ бўлса-да, аммо улар ўртасидаги қон-қариндошлик ва бир тилда алоқа қила билишлик имкониятлари уларни бир-бири билан узвий боғлаб, этногенетик жараёни жадал кечинини таъминлаганлигини уқтириб ўта-

¹⁴ Шониёзов К. Ўша асар. 36—38-бетлар.

¹⁵ Шониёзов К. Ўша асар. 38-бет.

¹⁶ Ўша жойда, 38-бет.

¹⁷ Ўша жойда.

ди. Таъкидлаш жонзки, Қ. Шоннёзов ўзбек халқи этник асосини асосан ўтроқ тургун аҳоли хўжалиги эса суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик асосида қурилганлигини доимо назарда тутди.

Қ. Шоннёзов ўзининг капитал асари «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»да ўзбек халқи этногенез ва этник тарихини ёритишга ижодий ёндашиб, этнология фанининг назарий ва илмий методологик асосларига аниқликлар киритди. Буни унинг ўзбек тарихшунослиги олдидаги буюк ютуғи десак, хато бўлмас. Аммо, атоқли элшуносимиз, ўз қарашларини баён этган муаллифларга нисбатан кўп ҳолларда субъективизмга йўл қўйган. Баъзи ўзга муаллиф томонидан айтилмаган ибораларни рўқач қилиб, ўзи ноқулай ҳолатга тушиб қолганлигини сезмай қолади. Масалан, ушбу асарнинг 30-саҳифасида ушбу сатрлар муаллифидан «милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек этногенезининг иккинчи даври бошланган деб, XIV—XV асрларни эса бу жараённинг янги, тараққий этган даври деб таъкидлайди» иборасини келтириб, унинг «Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории населения Средней Азии» номли мақоласига ишора қилади. Ваҳолонки, келтирилган ибораларнинг иккинчи қисми, яъни «XIV—XV асрларни эса бу жараённинг янги, тараққий этган даври деб таъкидлайди муаллиф» ибораси умуман сноска берилган мақолада учратилмайди.

Ушбу мақола муносабати билан Қ. Шоннёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асари таҳлили шу жойда нуқта қўйиб, якуний хулоса сифатида шуни таъкидламоқчимизки, тарих фанидаги юқорида келтирилган назарий ва илмий методологик ишламаларга асосланиб, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳақида мулоҳаза ва мунозаралар юритиш бугунги тарих фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Тарихий муаммолар ечимининг тўғрилиги унинг илмий методологик асоси билан белгиланади. Шунингдек, ҳар бир халқнинг этногенез ва этник тарихини объектив ёритишликнинг асосида шу соҳада тарих тақозо этиб, ишлаб чиқилган илмий методологик ишланма ётади. Ана шу илмий методологик ишланма асосида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини яратиш замон талабидир.

А. Аскарлов

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ЭТНОГЕНЕЗА И ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

В статье освещаются теоретические и научно-методологические подходы, которые столь необходимо применять в исследовании этногенеза и этнической истории. Однако их применение при изучении этногенеза и этнической истории узбекского народа требует учета особенностей процесса образования узбекского народа как народности, о чем идет речь в данной работе.

А. Askarov

SPECIFIED AKADEMIC AND METHODOICAL ISSUES OF UZBEK NATIONS ETHNIC GENESIS AND ETHNIC HISTORY

The article describes the academic and methodical approaches that are necessary for research of the ethnic genesis and the ethnic history. Such approaches appeal to scholars to research the ethnic genesis and the ethnic history of the Uzbek nation considering specifics and peculiarities of the formation of Uzbek nation as an ethnos.

Ш. Камолитдин

К ВОПРОСУ ОБ УПОТРЕБЛЕНИИ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ
НАЗВАНИЙ «МАВЕРАННАХР» И «ТУРКЕСТАН»

Средняя Азия, благодаря стратегически важному географическому местоположению на перекрестке важнейших торгово-экономических и военно-политических коммуникаций, связывавших Восток и Запад, всегда находилась в центре внимания великих держав мира и на протяжении своей истории часто становилась жертвой захватнических войн иноземных завоевателей. Каждый из них, исходя из своих национальных традиций и историко-географической терминологии, давал этому региону свое название, которое фиксировалось в письменных источниках и находилось в употреблении, зачастую параллельно с другими, в течение весьма длительных промежутков времени. Поэтому в настоящее время возникает проблема выбора наиболее приемлемого из них как с историко-культурной, так и политико-правовой точек зрения.

Древнейшим из всех названий среднеазиатского региона является «Туран», в основе которого лежит этноним *тур*, являвшийся общим племенным названием древних кочевых и полукочевых народов Средней Азии¹. В начале I тысячелетия до н. э. *туры* представляли собой сильное военно-политическое объединение, находившееся во вражде с земледельческими оазисами юга². Этот этноним, впервые зафиксированный в «Авесте»³, впоследствии лег в основу топонима Туран, который упоминается в древнеиранской мифологии⁴, среднеперсидской исторической литературе⁵, а также в средневековой персидской⁶, арабо-мусульманской⁷ и местной среднеазиатской историко-географической литературе⁸.

В эпоху сасанидского царя Шапура I (правил в 242—272 гг.), среди персов входит в употребление название «Туристан»⁹, которое, вероятно, было распространено наряду с названием «Туран» и имело аналогичное с ним значение — «страна туров». Позднее, в эпоху эфталитов (V в.) и тюрков (VI—VIII вв.), оно было преобразовано в «Туркистан»

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / А. Маҳкам таржимаси Тошкент, 2001. 356-бет.

² Ширинов Т. Древнебактрийское царство. «Большой Хорезм» (VII—VI вв. до н. э.) // Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2001. С. 11.

³ Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И. М. Стеблин-Каменского. Душанбе, 1990. С. 30, 119, 120 и др.

⁴ Фирдоуси. Шах-наме / Критический текст. В 9 т. М., 1966—1971. Т. 1. С. 90; Т. 3. С. 60; Т. 4. С. 239 и др.

⁵ Книга деяний Ардашира сына Папака / Пер. со среднеперсидского. М., 1987. С. 75, 83; Markwart J. A. A Catalogue of the provincial capitals of Eranshahr (Pahlavi text, version and commentary). Roma, 1931. P. 10—12.

⁶ Баевский С. И. Географические названия в ранних персидских толковых словарях (XI—XV вв.) // Страны и народы Востока. Вып. 22. М., 1980. С. 88 и др.

⁷ Jacuts geographisches wörterbuch aus den handschriften zu Berlin. St.-Petersburg. Paris. London und Oxford (von G. Wustenfeld). Leipzig. 1866. Bd. 1. S. 892 (далее: Иакут ал-Хамани).

⁸ Уложение Темура. / Пер. с фарси. Ташкент, 1992. С. 7; Махмуд ибн Бали. Море тайн относительно доблестей благородных (География) / Пер. с фарси Б. А. Ахмедова. Ташкент, 1977. С. 16, 20, 32, 53, 86.

⁹ Лукошин В. Г. Культура Сасанидского Ирана. М., Наука, 1969. С. 53, 147.

(или Туркестан), что означает «страна тюрков»¹⁰. отождествление этнонимов *тур* и *тюрк* (тюрк), как и топонимов Туран и Туркестан, прежде всего имело место в ираноязычной историко-географической традиции доисламского¹¹ и исламского времени¹², а затем в арабо-мусульманской¹³ и среднеазиатской¹⁴. Этноним *түрк* (или тюрк) является двухэлементным (*тур-к*), где второй элемент *-к* является аффиксом собирательного множественного числа. В целом это слово может быть тюркской формой, равнозначной иранской *тур-ан*¹⁵.

Греко-македонские завоеватели (IV в. до н. э.) рассматривали среднеазиатский регион как часть Ахеменидской державы¹⁶, а древние китайцы (I—II вв. н. э.) как продолжение «Западного края», под которым они подразумевали подвластный им Восточный Туркестан¹⁷.

Арабские завоеватели (VII—VIII вв.) ввели в употребление свой термин — «Мавераннахр», что в переводе с арабского означает «то, что за рекой»¹⁸. Это географическое название, получившее в средние века широкое распространение, имело также свои менее известные эквиваленты на фарси — «Вараруд»¹⁹ и «Вараджайхун»²⁰ (с тем же значением) и территориально рассматривалось сначала (в IX в. при Тахиридах) как продолжение иранского Хорасана²¹, затем (в IX—X вв. при Саманидах) как отдельная административная единица, включавшая и Хорасан²², а позднее (в XI—XII вв. при Караханидах) — как часть Туркестана в составе Арабского халифата²³. В XIX в. в европейской научно-исторической традиции был введен новый термин — «Трансоксания» или «Трансоксана», являющийся латинским эквивалентом (переводом) арабского названия «Мавераннахр»²⁴.

¹⁰ Птицын Г. В. К вопросу о географии «Шах-наме». // Труды Отдела Востока Государственного Эрмитажа. Т. 4. Л., 1947. С. 294—296.

¹¹ Книга деяний Ардашира сына Папака. С. 83. Pahlavi texts/Translated by E. W. West. Part I. The Bundahis, Bahman Yast, and Shayast La Shayast. Delhi, 1987. P. 119.

¹² Баевский С. И. Географические названия... С. 88; Фирдоуси. Шах-наме. Т. 4. С. 208, 279 и др.

¹³ Иакут ал-Хамави. Т. I. С. 892.

¹⁴ Махмуд Кашгарий. Девону луготит-т-турк. Туркий сўзлар девони. /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. Тошкент, 1963. 1-жилд. 163, 379-бетлар; Махмуд ибн Вали. Море тайн... С. 32.

¹⁵ Фрай Р. Наследие Ирана. М., 1972. С. 66—67; Логашева Дж. Б. Из топонимии Каспийского моря (О названии реки Атрек) // Ономастика Средней Азии. М., 1978. С. 76.

¹⁶ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.). Хрестоматия. Ташкент, 1940. С. 30, 81 и др.; Шифман И. Ш. Александр Македонский. Л., 1988. С. 120—125 и др.

¹⁷ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3 т. М.-Л., 1950—1953. Т. 2. С. 169—319.

¹⁸ Ибн Хордадбех. Книга путей и стран./Пер. с арабского Н. Велихановой. Баку, 1986. С. 61, 69.

¹⁹ Баевский С. И. Географические названия... С. 85.

²⁰ Хасанов Х. Урта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент: Фан, 1965. 62-бет.

²¹ Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. С. 67, 68; Ибн ал-Факих. Ахбар ал-буддан (Известия о странах)/Пер. с арабского А. С. Жамкочяна. Ереван, 1979. С. 97—101.

²² Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих. Миср: Булак, 1883—1885. В 12 т. Т. 7. С. 182; Т. 9. С. 65 (на араб. яз.).

²³ Махмуд Кашгарий. Девону луготит-т-турк. 3-жилд. 164-бет; Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1. М.-Л., 1939. С. 229, 439, 451, 502 и др.

²⁴ Энциклопедический словарь/Изд. Ф. А. Брокгауз и И. А. Ефрон. Т. 18. СПб., 1896. С. 285.

В настоящее время широко употребляется термин «Средняя Азия» или «Центральная Азия», получивший распространение в конце XIX в. в русской²⁵ и европейской научно-исторической традиции²⁶. После так называемого национально-государственного размежевания Туркестанского края, осуществленного советскими властями в 1924 году, он был официально утвержден как единственно правильный, вытеснив тем самым бывшее до этого общепринятым официальное название «Туркестан» (или Туркистан)²⁷.

Остановимся более подробно на вопросе о сущности и правомочности каждого из этих названий. В этой связи отметим важную роль данных естественной природно-географической *макротопонимии*, которая, как известно, может рассматриваться в качестве своего рода документального источника и иметь первостепенное значение при определении истинных географических границ тех или иных историко-культурных областей и регионов²⁸. Если региональная историко-географическая *микротопонимия* в результате изменений политической и этнической ситуации на протяжении столетий может быть подвергнута определенным изменениям, то естественная природно-географическая *макротопонимия*, в отличие от первой, характеризуется сильной устойчивостью²⁹ и, независимо от изменений политических и этнических границ, может отражать принадлежность той или иной территории к определенному этническому единству народов и определять истинные границы обитания этой общности в глубокой древности и на протяжении длительных промежутков времени, если не первоначальные границы. Например, Аравийский полуостров с древнейших времен был населен арабами, Армянское нагорье — армянами и их предками, Месопотамская низменность — древними народами Месопотамии, Иранское плато — индо-иранскими племенами и народами и т. д.

Не является исключением и так называемая Туранская низменность, расположенная в Аральском природно-географическом бассейне, занимающая обширную территорию и охватывающая почти всю равнинную часть Средней Азии³⁰. С северо-востока к ней прилегает так называемый Балхашский бассейн, вместе с которым она составляет особый, окруженный со всех сторон горами, естественный природно-географический регион под названием Туркестан, представляющий собой единую тесно взаимосвязанную систему равнин, гор и рек, и занимающий обособленное положение в центре Азиатского субконтин-

